O`zLiDeP

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2015-yil 29-oktyabr, payshanba, 43 (623)-son

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

8 ДЕКАБРЬ — КОНСТИТУЦИЯ КУНИ

## Хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясида

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигига яқинда 23 йил тўлади. Шу давр мобайнида демократиянинг умуминсоний принциплари ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини ўзида ифода этган Асосий қонунимиз том маънода Ўзбекистоннинг бош сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатига айланди. Президентимиз таърифлаганидек, Конституциямиз давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомуснома эканини амалда исботлади ва бугун ҳам кўп қиррали ҳамда босқичма-босқич ислоҳотларнинг амалга оширилиши, улардан кўзланган мақсадга эришишда мустаҳкам ҳуқуқий замин вазифасини бажариб келаётир.**

Бош қонунимизнинг 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани муҳрлангани боис қабул қилинган барча ҳужжатларда мулкдорлар манфаатларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати жадал ривожланиб, жамиятимизнинг етакчи кучига айланиб бораяпти.

Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2012-2015 йилларда хусусий мулк мавқеини ошириш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган бир қанча қонунлар, жумладан, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» (янги таҳрирда), «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилингани Ўзбекистоннинг ишбилармонлар мамлакатига айланишида ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Миллий иқтисодиётда давлат улуши ва ўрнини стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш зарурлигига мунтазам аҳамият бериб келинаётир. Бинобарин, кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни йўқ қилиш – биз учун ҳал қилувчи масаладир.

Ушбу муҳим масалага парламент палаталарининг жорий йил 23 январида бўлиб ўтган қўшма мажлисида Юртбошимиз яна бир карра алоҳида эътибор қаратиб, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид қонунларимизда белгилаб қўйилган рағбатлантирувчи омиллар ва преференцияларнинг амалда ишлаши лозимлиги, ҳозирги шароитда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонунлар, кодификация қилинган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, янги қонунларда белгиланган қоидаларни тўлиқ рўёбга чиқаришни таъминлайдиган қонуности ҳужжатларини ўз вақтида эълон қилиш депутатлар корпуси ҳамда Сенат аъзоларининг энг муҳим вазифалари сирасига киришини бежиз таъкидламади. Зеро, қонунлар ҳаётий экани улар амалиётда нечоғли қўлланилиши билан ўлчанади.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони нақадар катта аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки айнан ушбу дастуриламал ҳужжат мамлакатимизда соҳада амалга оширилаётган тизимли ишларни сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаб берди.

Ўрни келганда мазкур фармонда белгиланган кўламли вазифалар Президентимизнинг O`zLiDeP VII Съездидаги маърузаси ҳамда Сайловолди платформамизда белгилаб берилган устувор йўналишларни қамраб олгани, улар партиямиз учун ҳам дастурий вазифалар эканига эътибор қаратиш зарур. Зотан, O`zLiDeP Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмалари орқали ўзининг дастурий мақсад ва вазифаларини Ўзбекистон тараққиётининг бош стратегик мақсади — ривожланган демократик давлатлар сафидан жой олиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдек улуғвор вазифалардан келиб чиқиб белгилаган.

Мазкур фармонга мувофиқ хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналиши бўйича амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирни кўзда тутувчи комплекс Дастур тасдиқланди. Белгиланган чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш учун «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят, маъмурий жавобгарлик, солиқ кодексларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жиноят кодекси «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар» деган янги боб билан тўлдирилди.

Мухтасар айтганда, Конституция — мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш орқали тараққиётга эришиш учун дастуриламал ҳужжат экани баробарида халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этгани билан ҳам мустақил юртимиз фуқароларига ғурур, фахр ва ифтихор бағишловчи давлатимиз рамзи, тимсолидир.

**Наргиз ХАЛИЛОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**O`zLiDeP фракцияси аъзоси.**



Солиҳ ЗОИР олган суратлар

# ЭЛЕКТОРАТГА БЕВОСИТА ТААЛЛУҚЛИ ҲУЖЖАТЛАР

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия электорати фаолиятига бевосита тааллуқли бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама қилинди**

Фракция аъзолари дастлаб «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Асосий мақсади қимматли қоғозлар орқали бизнес қилиш имкониятларини кенгайтириш, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган мазкур қонун лойиҳаси билан таклиф этилаётган янги нормалар O`zLiDeP электоратига бевосита тааллуқли бўлгани учун ҳам фракциямиз аъзолари бу масалага партия Сайловолди платформасидаги вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ жараён сифатида ёндашишди.

Депутатларимизнинг мулоҳаза ва мунозараларидан англашилганидек, ушбу қонун лойиҳаси билан акциядорлар умумий йиғилишида жамиятни ўрта ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш, унга асосан амалга оширилаётган чоралар тўғрисидаги кузатув кенгаши ва ижроия органи ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш масалалари, шунингдек, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатда тўланмаган ва олинмаган дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пеня миқдорининг эллик фоиздан кўп бўлиши мумкин эмаслиги, йирик акциядорларга дивидендлар мазкур жамиятнинг миноритар акциядорлари олдида дивидендлар бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаган тақдирда тўланишини ўз ичига олувчи тартибни белгиловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

2

## МОҲИЯТАН МУҲИМ МАФКУРАВИЙ МАНБА

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ, ЎҚИТИШ, УЛАРНИНГ СИЁСИЙ ОНГИ ВА ТАФАККУР ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ, АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ МИҚЁСЛИ ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАРДА ШАХСИЙ ИШТИРОКИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. O`ZLIDEPНИНГ СИЁСИЙ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ТИЗИМЛИ РАВИШДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТУРЛИ ЎҚУВ-СЕМИНАРЛАР ЭСА АҲОЛИНИНГ КЕНГ ҚАТЛАМЛАРИ ЎРТАСИДА ЛИБЕРАЛ ҒОЯЛАРНИ СИНГДИРИШ, МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛИШГА ҚОДИР ЯНГИ АВЛОД КАДРЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАНИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР.

3

## Қулай инвестицион муҳит — иқтисодий ўсиш гарови

**Қарши шаҳрида O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан «Тадбиркорлар мулоқот форуми» лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонуни мазмун-моҳиятини электорат вакилларига етказиш мақсадида «Янада қулай инвестицион муҳитни шакллантириш — иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашнинг муҳим омили» мавзуида амалий семинар ўтказилди.**

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, вилоятдаги тижорат банклари, суғурта ташкилотлари вакиллари, ахборот маслаҳат маркази раҳбарлари, тадбиркорлар, фермерлар, эксперт ва мутахассислар иштирок этган анжуманда молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ички захира ва имкониятлардан самарали фойдаланишда инвестиция ва пай фондлари институтларини ривожлантиришнинг аҳамияти хусусида сўз юритилди.

— Мазкур қонун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар суръатининг ўсиши ҳамда эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Қаҳрамон Эргашев. — Қонунни ишлаб чиқиш жараёнида инвестиция ва пай фондлари фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги халқаро тажриба атрофлича ўрганилди. Асосий мақсад инвестиция ва пай фондларини тузиш ҳамда ушбу фаолият билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдир. Шунингдек, қонун жамоа томонидан инвестициялар киритиш тизимини яратиб, бўш турган пул маблағларини миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларини молиялаштиришга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиёт тармоқлари ўртасида капиталнинг эркин ўтказилишини таъминлаш, инвесторлар ва аҳолига капитал бозоридан фойдаланиш имконини бериш, омонатларни кўпайтириш учун муқобил қулайликлар тақдим этиш каби вазифаларнинг янада самаралироқ бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Пай фонди оддий инвестиция фондидан фарқли равишда, юридик шахс ҳисобланмайди, инвесторларнинг маблағларини фондларга тури бўйича гуруҳлаштирилган инвестиция активларига киритадиган ишончли бошқарувчига берилади. Бундай фондлар дунёнинг қатор ривожланган мамлакатларида кенг тарқалган.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

## ЎЗБЕКИСТОН DOING BUSINESS РЕЙТИНГИДА 16 ПОҒОНАГА КЎТАРИЛДИ.

Ушбу воқеликка оид тафсилотлар билан газетамизнинг кейинги сонида танишишингиз мумкин.

МУНОСАБАТ

## Манфаатли ҳамкорлик масофа танламайди

**Халқлар ўртасидаги дўстлик, маданий алоқалар ва шериклик муносабатлари чек-чегара билмаганидек, иқтисодий ҳамкорлик ҳам масофа танламайди. Бир-биридан қанчалик олисда бўлишидан қатъи назар, турмуш тарзи, интилишлари, мақсадлари муштарак халқларни ўзаро бирлаштириб турувчи ришталар вақт ўтгани сари кўпайиб, тобора мустаҳкамланиб бораверади.**

Шу маънода Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг мамлакатимизга расмий ташрифини икки мамлакат ўртасидаги ана шундай илиқ ва тенг манфаатли муносабатларнинг ёрқин намунаси дейиш мумкин.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик йил сайин ривожланиб бормоқда. Айниқса, икки давлат парламентлари ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилгани эътиборга лойиқ. Бугун Япония парламентида Ўзбекистон билан дўстлик лигаси фаолият кўрсатаётгани, юртимизда эса «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — Япония парламенти» парламентлараро гуруҳининг ташкил этилгани ўзаро муносабатларнинг доимийлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Икки мамлакатнинг йирик шаҳарларида доимий равишда халқларимиз маданияти, санъати ва сайёҳлик салоҳияти тақдимотлари ўтказиб келинмоқда. «Ўзбекистон-Япония» дўстлик жамияти маданиятлараро мулоқотларнинг муваффақиятли ривожланишига хизмат қилаётир. Японияда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарларининг севиб ўқилиши ва унинг ҳайкали бунёд этилиши Япония томонидан халқимиз тарихи ҳамда маданиятига бўлган ҳурмат ва эътиборнинг яна бир ифодасидир.

Кунчиқар юрт ҳукумати раҳбарига Япония ишбилармон доираларининг кўплаб вакиллари ҳамроҳлик қилганига O`zLiDeP фаоллари алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Чунки айни шу йўналишдаги ҳамкорлик партиямиз электорати фаолиятига бевосита тааллуқлидир. Шиндзо Абэнинг қуйидаги эътирофи эса келажакдаги истиқболли режалардан дарак бериб турибди: «Япон бизнеси Ўзбекистонда ишлашдан манфаатдор». Бинобарин, тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилаётган O`zLiDeP ҳам бундай муносабатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Япония Бош вазирининг Ўзбекистонга мазкур ташрифи мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш, ҳамкорликни мавжуд салоҳиятдан келиб чиққан ҳолда кучайтиришга ва энг муҳими, икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Расул КУШЕРБАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**O`zLiDeP фракцияси аъзоси.**

БУГУНГИ СОНДА:

ИСЛОҲОТ
Партия позицияси қонунда акс эттирилган
3



2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ
Тиниб-тинчимас қариялар
4



ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА
Ҳудуддаги мавқени белгиловчи омил
5



ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ
Фонд мутасаддиларининг ҳисоботи тингланди
7



**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 27 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)**
**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1943,78 | 1 АҚШ доллари | 2677,75 | 1 Хитой юани | 421,57 | 1 Польша злотийси | 695,70 | 1 ЕВРО | 3030,23 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4106,87 | 1 Миср фунти | 333,47 | 1 Россия рубли | 43,24 | 1 СДР | 3749,92 | 10 Жанубий Корея вони | 23,67 |
| 1 Дания кронаси | 396,23 | 1 Исландия кронаси | 20,83 | 1 Украина гривнаси | 118,62 | 1 Туркия лираси | 923,46 | 10 Япония иенаси | 221,14 |
| 1 БАА дирҳами | 729,20 | 1 Канада доллари | 2036,00 | 1 Малайзия ринггити | 629,61 | 1 Швейцария франки | 2744,44 | | |

# Даъваткор сўз қудрати

**Давлатимиз раҳбарининг 7 миллион 300 минг тонна ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд пахта хирмони уйган, пиллачилик, чорвачилик, мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида мўл ҳосил етиштирган дала меҳнаткашларига йўллаган табрикномасини нафақат соҳа вакиллари, балки бутун халқимиз шоду хуррамлик билан кутиб олди. Шундай бўлиши табиий. Чунки пахта — энг асосий миллий бойлигимиз. Халқимизни дунёга танитаётган фахримиз-ифтихоримиз. Ғалла — ризқ-рўзимиз. Чорвачилик, мева-сабзавот маҳсулотлари дастурхонларимиз файз-баракаси.**

**Хурсандчилигимизнинг яна бир сабаби халқимизнинг аҳиллиги, юртимиздаги тинч ва осойишта ҳаёт эвазига қўлга киритаётган ютуқларимиз қамрови йил сайин ортиб бораётганидадир.**



**Илҳом НОСИРОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

## ЗАМОНАВИЙ ИНФРАТУЗИЛМА

### қишлоқларнинг янада обод, аҳоли турмуш даражасининг юқори бўлишини таъминлайди

Истиқлол йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган изчил ислоҳотлар туфайли ерга, меҳнатга муносабат тубдан ўзгарди. Бу эса муваффақиятларнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, соҳада қўлга киритилган улкан марралар, аввало, фермерларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва аграр тармоқда меҳнат қилаётган юз минглаб юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати, билим ва тажрибаси самарасидир.

Президентимиз Ўзбекистон деҳқонлари ва фермерлари, барча меҳнаткашларини эришилган ютуқлар билан қутлаб, «... сиз, азиз деҳқон ва фермерлар, сувчи, агроном ва механизаторларни, барча дала меҳнаткашларини ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини адо этганингиз билан самимий муборакбод этишни ўзим учун катта шараф деб биламан», деган илиқ сўзлари халқимизнинг бунёдкорлик ишларига берилган юксак баҳо баробарида, уларни янада янги, янада улкан марраларга чорлов ҳамдир. Чунки замон билан ҳамқадам яшаш, ишлаш, тезкор давр тараққиётидан ортда қолмаслик давлатимиз сиёсатининг асосини ташкил этади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Сайловолди платформасидаги устувор йўналишлардан бири ҳам хусусий тадбиркорлик, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқда реал мулкдорлар синфини шакллантириш асносида соҳани янада диверсификация қилишдан иборатдир. Бунинг учун, аввалambор, ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида аҳамият қаратиш зарур. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларининг ошишига хизмат қилади.

Шу боис O`zLiDeP ҳамда унинг ҳудудий ташкилотлари, партиядан сайланган депутатлар жойларда аҳолининг харид қобилияти юқори бўлган йирик ва ўртача шаҳарлар атрофида мева-сабзавот, полиз экинлари етиштириладиган майдонларни кенгайтириш, гўшт-сут маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш соҳасида хизмат кўрсатадиган фермерлар, қишлоқ хўжалик корхоналари, маркетинг ва бошқа инфратузилма субъектлари ўртасида кооперацияни рағбатлантиришга йўналтирилган иқтисодий механизмларни шакллантириш орқали аҳоли турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.



**Ислом ЗОКИРОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

## ЕР ЎЗ ЭГАСИНИ ТОПГАЧ

### хирмонларимиз донга, дастурхонларимиз нонга тўлди

Президентимиз табрикномасини ўқиб, парламент қуйи палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасида фаолият олиб бораётган депутат сифатида мазкур тармоққа дахлдор эканлигимдан жуда мамнун бўлдим. Руҳим кўтарилди.

Ҳақиқатан ҳам соҳа вакилларининг об-ҳаво анчайин инжиқ келган йилда пахта ва ғалла етиштириш, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида юқори натижаларга эришилгани том маънода қаҳрамонликдир. Шахсан ўзим йил давомида жойларда бўлиб, сайловчилар, хусусан, O`zLiDeP электоратининг катта қисмини ташкил этувчи қишлоқ мулкдорлари ҳузурида бўлганимда табиат инжиқликлари, кутилмаганда ҳавонинг гоҳ совиб, гоҳ исиб кетишига қарамай, ниҳоятда омилкорлик билан иш олиб борилганига гувоҳман. Зотан, бу йил деҳқон учун осон кечмади. Аммо табрикномада қайд этилганидек, кўпни кўрган, азму шижоатли деҳқонларимиз қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтиб, мўл ҳосил етиштиришга эришдилар.

Мамлакатимиз бўйича ғалла ҳосилдорлигининг ўртача 53 центнерга етгани, Андижон вилоятида 71, Бухорода 60, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида 57, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида 56, Фарғонада 55, Тошкент вилоятида 52 центнерни ташкил этгани ҳақиқатан ҳам улкан натижадир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бундай рақамларни ҳатто тасаввур ҳам эта олмасдик. Томорқасигача пахта экиб, дон маҳсулотлари етиштириш сир-синоатларини унута бошлаган ғаллакорлар 20 центнер атрофида хирмон кўтаришнинг аранг уддасидан чиққанлари кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Бугун эса ғалла ҳосилини ҳатто 100 центнердан ошириб, ҳақиқий мулкдор имкониятлари нақадар катта эканини амалда исботлаб келаётган фермерларимиз кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг аксарияти O`zLiDeP фаоллари экани эътиборга лойиқдир. Худди ана шундай натижаларни қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида кузатиш мумкин.

# ЭЛЕКТОРАТГА БЕВОСИТА ТААЛЛУҚЛИ ҲУЖЖАТЛАР

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Фракция аъзоларининг таъкидлашича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши республикада акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарувини жадал ривожлантириш ва миноритар акциядорларнинг манфаатларини ишончли ҳимоялаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала — «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш давомида билдирилган фикрлар эса юқоридаги муҳокамаларнинг мантиқий давоми бўлди.

Алоҳида қайд этиш зарурки, мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

— Янги қонун лойиҳасида соҳадаги қонунчиликнинг тизимлилиги, уларнинг нормалари ва ижро механизмларини бирхиллаштириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тўлақонли тартибга солиш, тадбиркорлик субъектларига янада қулай шароитлар яратиш назарда тутилган, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Ҳамдамбек Расулов. — Яъни, бу қонуннинг қабул қилиниши ишлаб чиқариш менежменти, фаолиятнинг сармоядорлар учун шаффофлигини ошириш каби усулларни жорий этиш орқали акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини кучайтириш, уларнинг халқаро мезонларга мос равишда фаолият юритишига имкон яратади.

«Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси депутатларга биринчи ўқишда тақдим этилди.

— Марказий банкнинг валюта биржаси фаолиятини тартибга солиш бўйича функцияларини очиб бериш ва аниқлаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, қимматли қоғозлар фонд биржаси биржанинг котировкалаш варағига киритилганлиги боис, уларнинг биржа котировкалари мазкур қимматли қоғозларнинг бозор қиймати деб эътироф этилганлигини инобатга олиб, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Ойбек Эгамов.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунига ҳам ўзгартишлар киритиш таклиф этилмоқда. Унга мувофиқ, фонд биржасининг биржанинг котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозларнинг котировкаси тегишли қимматли қоғозлар ўзида биржанинг котировкалаш варағига киритилган ва қонун ҳужжатларига асосан котировка қилинадиган фонд биржасига суд ижрочиси томонидан ёзма сўров бериш орқали аниқланиши назарда тутилган бўлиб, агар суд ижрочиси томонидан рўйхатга олинган қимматли қоғозлар фонд биржасининг биржа котировкалаш варағига киритилмаган бўлса, суд ижрочиси қимматли қоғозларни баҳолаш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда баҳоловчи ташкилотни жалб этиши белгиланмоқда.

O`zLiDeP вакилларининг фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳуқуқий амалиётни мувофиқлаштириш ҳамда қонунчилик ҳужжатларида мавжуд бўлган биржа фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқий меъёрларга оид зиддият ва низоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Умуман, фракция аъзолари юқорида муҳокама қилинган қонун лойиҳаларидаги бу каби хусусиятлар O`zLiDePнинг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатбардошлигини ошириш борасидаги дастурий мақсадларида акс эттирилган устувор вазифаларига ҳамоҳанг эканлигига жиддий эътибор қаратдилар.

Йиғилиш давомида депутатлар фракция ваколатига кирувчи яна бир қатор масалаларни ҳам кўриб чиқдилар ва муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилдилар.

# Ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайди

**Маълумки, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тизимини узлуксиз такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўтган йиллар мобайнида озиқ-овқат саноатининг тадрижий ўсишини таъминлашга ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди**



**Мавлуда ХОДЖАЕВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Мазкур соҳа «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида», «Стандартлаштириш тўғрисида», «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва бошқа ўнга яқин қонун ҳужжатлари билан мувофиқлаштирилмоқда. Қайд этиш керакки, 1997 йилда қабул қилинган «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида» ҳамда 2010 йилдан эътиборан кучга кирган «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги қонунлар ҳам бу борадаги ишларнинг самарадорлигида муҳим ўрин тутаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида», 29 августдаги «2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳам ҳукуматимиз томонидан халқимиз саломатлигига улкан эътибор берилаётганини яна бир карра тасдиқлайди.

Мазкур Концепциянинг асосий мақсади аҳоли соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли турли қатламларининг бекаму кўст овқатланишга нисбатан эҳтиёжини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришдан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган қонун лойиҳаси устида қизғин иш олиб бормоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги 10 мингдан зиёд корхона озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан машғул. Тизимли саъй-ҳаракатлар туфайли жорий йилнинг тўққиз ойида озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 125,8 фоиз ўсишига эришилди.

Парламент қуйи палатасининг қўмиталари ташаббуси билан «Озиқ-овқат хавфсизлиги: ютуқлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари» мавзуида ўтказилган конференцияда иштирокчилар ана шу ижобий натижалар хусусида ҳам фикр алмашдилар. Шу билан бирга соҳада учраётган айрим муаммолар ҳамда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар, соҳага оид айрим қонунларни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирдилар.

Ўтган йили пойтахтимизда «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурларини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзуидаги халқаро конференциянинг ўтказилгани ҳам алоҳида диққатга сазовор.

Мазкур нуфузли конференцияда Президентимиз маъруза қилиб, бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар, эришилган ютуқлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш юзасидан амалга оширилиши лозим вазифалар хусусида атрофлича тўхталиб ўтганди. Ушбу маъруза O`zLiDeP учун дастуриламал ҳужжатдир. Чунки унда мамлакатимизда ва бутун дунёда озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тизимни модернизациялаш, экологик тоза, сифатли маҳсулотлар тайёрланишини назарда тутувчи янги устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Бу масалалар партиямизнинг иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш соҳасидаги дастурий вазифалари билан тўла ҳамоҳанг. Уларни амалга ошириш O`zLiDeP электорати — тадбиркор ва фермерлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқлиги партиянинг бу жабҳадаги масъулияти нечоғли катталигидан дарак бераётир. Ана шундай муҳим вазифалар партия Сайловолди платформасида ўз аксини топганлиги ҳам эътиборга молик. Чунончи, амалий ишлар партияси сифатида тобора кўпроқ танилиб бораётган O`zLiDeP фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқда реал мулкдорлар синфини шакллантириш асосида қишлоқ хўжалигини диверсификация қилишни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш борасида муайян ишлар олиб бораяпти.

Соҳага тааллуқли манзилли дастурлар, уларга киритилган ҳар бир лойиҳанинг ўз вақтида ишга туширилиши учун бугунги кунда бошланғич ташкилотлар, депутатлик гуруҳлари, хусусий сектор вакилларининг янада қатъият ва шижоат билан ишлашлари тақозо қилинмоқда. Жумладан, жамоатчилик назорати, депутатлик гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолияти, парламент эшитувларида юқорида зикр этилган масалаларга эътиборни янада кучайтириш лозим.

Мухтасар айтганда, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш давлат ва жамиятнинг энг муҳим стратегик мақсадлари сирасига киради. У ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Бу масаланинг ижобий ечимлари асосан O`zLiDeP электоратининг самарали фаолиятига боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда партия, жумладан, фракциямиз тегишли ишларнинг бажарилишига янада жиддийроқ аҳамият қаратиши мақсадга мувофиқдир.

# Ахборот соҳасидаги глобаллашув

### ёшларнинг маънавий дунёсига қандай таъсир кўрсатаяпти?



**Элбек ШУКУРОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Бугунги глобаллашув жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, айниқса, интернет кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурганлиги сир эмас. Бу бир жиҳатдан яхши. Аммо виртуал маконда ахборот ресурсларининг ҳаддан зиёд кўпайиб бораётганлиги кишини мушоҳада юритишга ундамоқда. Бинобарин, интернет орқали юзага келадиган муаммолардан ўзимизни имкон қадар ҳимоя қилишга одатланишимиз лозим.

Глобаллашув жараёнининг технологик, молиявий-сиёсий, маданий, экологик ва ижтимоий йўналишлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Айниқса, ахборот соҳасидаги глобаллашув инсонлар ҳаётига катта таъсир кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳозирги кунда ахборот маҳсулотларининг дунё бозоридаги мавқеи босқичма-босқич ўсиб бораётганлиги ҳам айни ҳақиқатдир.

Тўғри, ахборий глобаллашув жисмоний шахслар, компаниялар ва бирлашмаларга ижтимоий-иқтисодий масалаларни самарали ҳал этиш учун қулайлик туғдиради. Инсон маънавиятини бойитиш, савдо-тижорат, маркетинг, туризм ва бошқа кўплаб соҳаларни ўзлаштиришда интернет чиндан-да катта имкониятларга эга.

Масалан, ахборий глобаллашув натижасида ўзга миллат маданияти, ҳаёт тарзи ва урф-одатларини масофада туриб пухта ўрганиш, ўзлаштириш мумкин. Бу борада, кинофильмлар, телесериаллар, қўшиқлар ва клиплар муҳим ўрин тутишини унутмаслик даркор.

Лекин бир қатор йирик давлатлар ахборот оламида ҳукмронликка интилаётгани ҳам бор гап. Натижада бир давлат иккинчисини ички ва ташқи ахборот майдонидан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад ахборий-психологик соҳада сиёсий устунликка эришишдир.

Хўш, ахборот хуружларидан ҳимояланиш учун нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозим? Энг аввало, маънавий иммунитетни кучайтириш керак. Бунинг учун эса мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежларда миллий истиқлол ғояларини кенг тарғиб қилиш, ёшларимизни маънан соғлом руҳда тарбиялаш талаб этилади. Токи ёт ғоялар уларнинг онгига ўз таъсирини ўтказа олмасин.

Зеро, бугунги туб ўзгаришлар таъсирида дунёдаги турли миллат ва халқлар маданиятининг ўзаро яқинлашуви кузатилмоқда. Ана шу жараёнда ахборот муҳим мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилаётганини айтмасак ҳам бўлади. Эндиликда ахборот энергия манбалари сингари стратегик ресурсга, жаҳон истеъмол бозоридаги «энг қимматли товар»га айланди. Турли давлатларда юз бераётган воқеа-ҳодисалар интернет тармоғи орқали дунёнинг бошқа минтақаларига тезда тарқалиб, ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, глобаллашув инсоният даҳоси билан яратилган ютуқлардан кенг баҳраманд бўлишни таъминлашга хизмат қилиши билан бирга қатор зиддиятларни келтириб чиқараётир. Кези келганда, мазкур жараённи «яхлит дунёнинг шаклланиши, ягона қудратли давлатнинг қарор топиши, ягона жаҳон маданиятига эга халқаро ҳамжамиятнинг таркиб топиш жараёни» сифатида талқин этувчилар ҳам йўқ эмаслигини айтиб ўтиш даркор.

Айниқса, Марказий Осиё минтақасида турли манфаатлар ва мафкураларнинг тўқнашуви кузатилаётганини эътиборга олмаслик мумкин эмас. Марказий Осиё давлатлари ушбу жараёнда пассив объектлар эмас, балки ўз миллий манфаатларига эга фаол иштирокчилар сифатида қатнашмоқдалар. Таассуфки, айрим қора кучлар ғаразли мақсадларига эришиш учун аксарият ҳолларда ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёшлардан қурол сифатида фойдаланишаяпти. Таҳлиллар дунё миқёсидаги тартибсизликлар, «рангли инқилоблар»ни уюштирилишида ёшларни «жалб қилиш» масаласи алоҳида роль ўйнаётганини кўрсатяпти.

Мамлакатимизда эса ёшлар бугун миллий ўзликни сақлаб қолиш ҳамда давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда етакчи куч сифатида намоён бўлаётгани эътиборга молик. Бироқ бу хотиржамликка берилиш мумкин, дегани эмас. Бинобарин, глобаллашув даврининг салбий оқибатларини бартараф этиш учун, аввало, келажагимиз эгаларига юксак маънавий-ахлоқий тарбия бериш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Албатта, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва сиёсий партияларнинг алоҳида ўрни бор. Шундай экан, фуқаролик жамияти шароитида уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларининг замонавий шаклларидан кенг фойдаланиш талаб этилади.

Бир сўз билан айтганда, ёшларда фуқаролик позициясини шакллантириш орқали миллий қадриятларга содиқ, амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини тўғри англайдиган, уларни давом эттиришга қодир сиёсий фаол шахсларни тарбиялаш имкониятига эга бўламиз. Ана шунда улар фақат «истеъмолчи» эмас, балки маънавий етук шахслар сифатида жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладилар.

# ИСЛОҲОТ



## Партия позицияси қонунда акс эттирилган

**Жорий йилнинг тўққиз ойида партия лойиҳалари иштирокчиларига 2014 йилнинг мос даврига нисбатан икки баробар кўп кредит маблағлари ажратилди. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда молия муассасалари билан ҳамкорлик самарадорлигини янада оширишнинг амалий жиҳатларига бағишлаб ташкил этилган навбатдаги семинарда ана шу фикр алоҳида таъкидланди.**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг масъул ходимлари, тижорат банклари вакиллари иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, банк-молия соҳасида амалга оширилаётган тизимли ишлар мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор суръатларда ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.**

**— Ишлаб чиқариш субъектларига сифатли банк хизматларини кўрсатмасдан эркин рақобатга асосланган бозор муносабатларини ривожлантириб бўлмайди. Партиянинг бу борадаги позицияси уч йил аввал кучга кирган «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Муродилла Турсунов. — Ушбу қонун билан хусусий банк ва молия институтларининг эркин фаолият юритиши учун кафолат яратилгани ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминлангани алоҳида аҳамиятга моликдир. Натижада банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобат кучайди, мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ошди, халқаро стандартларга мос келувчи инфратузилмани шакллантириш учун замин яратилди.**

**Анжуманда, шунингдек, тадбиркорлик лойиҳаларини банк томонидан молиялаштириш, кредитларни расмийлаштириш шартлари ва тартиблари тўғрисида батафсил ахборот берилди. Партия томонидан амалга оширилаётган «Мулкдор оила», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Диплом билан — бизнесга» каби лойиҳалар орқали аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни хусусий фаолиятга кенг жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.**

Фахриддин НУРАЛИЕВ.

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУРАККАБ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ҚОДИР БЎЛГАН КАДРЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИ КЕЛГУСИДА ҲАМ ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ.

O`zLiDeP дастуридан.

# МОҲИЯТАН МУҲИМ МАФКУРАВИЙ МАНБА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан «Йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиёт йўли – Ўзбекистоннинг ривожланиш йўли» мавзуида партия ходимлари учун республика амалий ўқув семинари ўтказилди. Унда парламент қуйи палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, партия вилоят кенгашлари мутасаддилари, мафкуравий ташвиқот-тарғибот ишлари бўлими мудирлари, сиёсий таълим марказлари етакчилари, сиёсатшунос, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этишди.

Семинарда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маънавий-маърифий ҳаёти ва бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари, O`zLiDeP фаолиятининг мафкуравий ва дастурий жиҳатлари муҳокама этилди. Мамлакатимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган мураккаб ва шу билан бирга шонли йўлини таҳлил қилиш асносида амалга оширилаётган ўзгаришларда партиянинг роли ва ўрни, аҳоли ўртасида олиб борилаётган мафкуравий ишларни такомиллаштириш чоралари кўриб чиқилди.

Тадбир давомида партия ҳудудий кенгашлари вакиллари, биринчи навбатда мафкуравий ишлар ва кадрлар билан ишлаш учун масъул ходимлар мамлакатимиз ҳаётининг долзарб масалалари, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, олис туман ва қишлоқларга чуқурроқ кириб боришга доир аниқ тушунча ва кўрсатмалар олиш имкониятига эга бўлдилар.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров таъкидланганидек, партия ўз фаолларини тизимли ўқитишда Президентимиз Ислом Каримовнинг янги «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» номли китобига таянади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу китоби O`zLiDeP аъзолари учун катта мафкуравий аҳамият касб этади, зеро унда мамлакатимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган тараққиёт йўли чуқур таҳлил қилинган, Ўзбекистон олдида яқин истиқболда турган стратегик ва тактик вазифалар асослаб берилган.

— O`zLiDeP ушбу асарни халқимиз эришган мустақиллик аҳамиятига кўра ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган қадрият эканлигини очиб берувчи муҳим мафкуравий манба деб билади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Абдуқодиров. — Китобдан кенг жамоатчиликка Ўзбекистонда амалга оширилган ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти, истиқболдаги кенг миқёсли ислоҳотларнинг йўналишини янада теранроқ англаш имконини берадиган концептуал жиҳатдан муҳим ғоялар ўрин олган.

Жумладан, ушбу китобдан ўрин олган давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш муносабати билан сўзлаган нутқида бугунги кунда халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган, «ўзбек модели»га асосланган ҳамда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган ислоҳотларнинг ижобий самаралари ҳар томонлама таҳлил қилинган. Умуман, Президентимиз китобининг кенг муҳокама этилаётгани асар O`zLiDeP фаоллари ва электорати вакиллари томонидан кучли қизиқиш билан ўрганилаётганидан далолат беради. Китобда давлатимиз раҳбарининг улкан назарий билимлари, амалий тажрибаси ва вазиятнинг ривожланиш йўлларини аввалдан кўра билиш қобилияти мужассам.

Семинарда мазкур китобнинг нашр этилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида беқиёс аҳамиятга молик улкан воқеа экани таъкидланди. Иштирокчилар бу кенг қамровли китобда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган мураккаб, айни вақтда шарафли тарихий йўли ўз ифодасини топгани, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган энг долзарб ва ўткир саволларга чуқур ва ҳаққоний жавоб берилганини алоҳида қайд этдилар.

Ушбу китобдан 2015 йилги Президент сайлови олдидан O`zLiDeP ва унинг фаоллари иштирокида демократия, очиқлик ва шаффофлик тамойилларига мувофиқ ҳолда ўтган сайловолди жараёнларида сўзланган барча нутқ ва маърузалар ўрин олган. Шу муносабат билан O`zLiDeP китобдаги ғоялар ва фикр-мулоҳазаларни мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш, кенг миқёсли ислоҳотлар ва партия дастурий ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этиш, ёшлар, тадбиркорлар, фермерлик ҳаракати вакиллари билан ишлаш чораларини ишлаб чиқишда муҳим дастуриламал деб билади.

Семинар иштирокчиларидан бири, O`zLiDeP фаоли Хуршида Халилова таъкидлаганидек, «китобда давлатимиз раҳбарининг партиямиз электорати манфаатлари ва хоҳиш-истакларига доимо ҳамоҳанг бўлган принципиал бир фикри борки, у ҳам бўлса, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини чеклаш, айни пайтда тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш ғоясидир. Партиямиз фаоллари ва ҳамфикрлари ҳар қандай эркинликнинг энг муҳим кафолати хусусий мулк эркинлигини таъминлашдан иборат, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, Президентимизнинг мамлакатимиз рақобатбардошлиги иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни давом эттириш, юқори технологик, илм-фан ютуқларига асосланган ишлаб чиқаришлар улушини оширишга боғлиқлиги тўғрисидаги фикрлари эътиборга молик.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон фермерлари томонидан мустақиллик йилларида эришилган ютуқларга берган баҳоси ҳам партиямиз электорати вакилларига алоҳида ғурур бағишлайди. Президентимиз ўз вақтида қабул қилинган дастурлар туфайли қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан муваффақиятларга эришилганини таъкидлаб, қишлоқда ҳал қилувчи куч сифатида фермерларга бу борадаги ҳиссаси учун миннатдорлик билдирган. Бу сўзлар O‘zLiDePни қишлоқда бозор ислоҳотларини янада фаоллаштириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга руҳлантирмоқда.



Семинар якунида иштирокчилар билдирган фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, партиявий ишларни бугунги кунда O`zLiDeP сиёсий позициясига жавоб берадиган тарзда янада такомиллаштириш, шу жумладан, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф қилиш, фермерлик ҳаракати манфаатларини ҳимоя қилиш, қулай ишбилармонлик муҳити ва сармоявий иқлимни таъминлаш, ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш ва бошқа йўналишларга доир тавсиялар ишлаб чиқилди. Республика амалий ўқув-семинари материалларини партиянинг жойлардаги фаолларига етказишга келишиб олинди.

**O`zLiDeP Матбуот хизмати.**



# Тадқиқот тафсилотлари

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида O`zLiDePнинг «Хавфсиз интернет» лойиҳаси доирасида «Мамлакатимизда ёшлар орасида интернетдан фойдаланиш масалаларига доир социологик тадқиқот натижалари»га бағишланган давра суҳбати ўтказилди**

**Шуҳрат РАҲИМОВ,** «XXI asr»

Тажрибадан маълумки, сайлов натижалари бугун эълон қилинадиган бўлса, эртадан галдагисига тайёргарлик бошланади. Ана шу аксиомага амал қилмаган партия муваффақиятсизликка юз тутади, электоратнинг ишончини йўқотади. Янги сиёсий тадбирга тадорик эса, энг аввало, ўтган сайловда берилган ваъдаларнинг ўз вақтида бажарилиши ва Сайловолди платформасида белгилаб қўйилган вазифаларнинг ижросида ўз аксини топади.

Айтмоқчимизки, бугун O`zLiDeP ўз дастурий ҳужжатларида кўрсатилган устувор йўналишларнинг ҳаётда, одамлар кўз ўнгида тасдиғини топишига жиддий киришган ҳолда амалий ҳаракатларини жадаллаштираяпти. Тадбиркор ва фермерларнинг янги авлоди сифатида майдонга чиқадиган ёшлар орасига чуқурроқ кириб боришга интилмоқда. Амалга оширилаётган турли лойиҳаларнинг юқори нуқтаси айни жиҳати билан яққол намоён бўлаётгани ҳам бежиз эмас.

Шу маънода ёшларда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, уларни «ўргимчак тўри»даги бузғунчи контентдан ҳимоялаш, ҳаётга теран нигоҳ билан қарайдиган жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни тарбиялаш, ахборот маконидаги салбий тусдаги таҳдидлардан асраш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бинобарин, O`zLiDePнинг жойлардаги тузилмалари томонидан «Ёшлар қаноти» фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишлар моҳиятига ана шу нуқтаи назардан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Биргина мисол тариқасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети етакчи олимлари билан биргаликда ёшларнинг ахборот хуружларидан қанчалик ҳимояланганигини ўрганиш мақсадида ўтказилган социологик тадқиқотни келтириш ўринлидир. Тадқиқотнинг асосий мақсади мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, соҳанинг янги қирраларини аниқлаш, аҳолининг талаб ва истаклари, эхтиёжларини ўрганган ҳолда илмий хулосалар чиқаришдан иборат бўлди.

Тадқиқот учун айни шу мавзу танланганида тўла асос бор. Чунки юртимизда сўнгги ўн йил ичида интернетдан фойдаланувчилар ўн бараварга кўпайди. 2007 йилда уларнинг сони 1 миллионни ташкил этган бўлса, бугун 10 миллиондан ошди. Бу мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 32 фоизи демакдир.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2,6 минг нафарга яқин респондентлар иштирокида ўтказилган социологик сўровнинг якуний кўрсаткичлари соҳа олимлари томонидан умумлаштирилди ва таҳлил қилинди. Олинган натижалар мамлакатимизда ахборот-коммуникация ютуқлари оммалашгани, ёшлар интернет тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланаётганини яққол намоён этди. Унда қатнашган респондентларнинг 91,7 фоизи интернетдан мунтазам фойдаланишини тасдиқлади. Уларнинг ярми мобиль телефон, учдан бир қисми шахсий компьютер орқали, ҳар олтинчи фойдаланувчи эса интернет-кафе хизматларини афзал билишини маълум қилди.

— Давра суҳбатида интернет-кафелар фаолияти ҳам муҳокама этилди, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси Тоир Салимов. — Иштирокчилар интернет тармоғидан оммавий фойдаланиш жойларида жамоатчилик назоратини кучайтириш, унинг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган таклифларини ўртага ташлашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар O`zLiDePнинг «Хавфсиз интернет» лойиҳасини амалга ошириш жараёнида мазкур тармоқдан фойдаланувчиларни ҳар томонлама ҳимоялаш, айниқса, ёшларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш ҳамда уларда салбий ғояларга қарши иммунитетни шакллантиришга бундан буён ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини қайд этишди.

Очиқ мулоқотда катта қизиқиш билан қатнашган навқирон авлод вакилларининг соҳага доир саволларига мутахассислар атрофлича жавоб қайтаришди.

# Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак!

**Узун туманида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида O`zLiDeP ҳудудий кенгаши, туман ҳокимлиги ва «Манзура Дилшод» масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида хайрия тадбирлари ташкил этилди**

**Муҳриддин НУРМАНОВ,**
«XXI asr»

O`zLiDeP фаоллари ва депутатлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, тадбиркор ва фермерлар, нуроний отахон ва онахонлар иштирок этган мулоқотда вилоятда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда O`zLiDeP ва унинг электорати томонидан амалга оширилаётган эзгу ишларга атрофлича баҳо берилди. Жойлардаги партия ташклотларининг уруш ва меҳнат фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёши улуғларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ёлғиз кексалар холидан хабар олиш каби саъй-ҳаракатлари эътироф этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, узунлик кекса тадбиркор, O`zLiDeP аъзоси Ўктам Қаландаровнинг тумандаги эхтиёжманд оилаларнинг эллик нафар фарзандига суннат ва тўрт жуфт йигит-қизнинг никоҳ тўйларини ўтказиб бергани тадбирнинг бош воқеаси бўлди. «Лаззат» ресторанида ташкил этилган тантана жажжи болажонлар ва мустақил оила қурган йигит-қизлар ёдида бир умр сақланиб қоладиган гўзал байрамга айланди.

— Эзгу орзули халқмиз, — деди Ў.Қаландаров. — Ош бериб, эл дуосини олиш эса аждодларимиздан мерос қадрият. Бундай савоб ишларга тадбиркорларнинг бош бўлаётгани давлатимиз томонидан яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳити, солиқ, божхона ва бошқа тўловларда берилаётган имтиёзларга миннатдорликнинг амалий кўринишидир.

Шу куни «Манзура Дилшод» МЧЖ томонидан тубдан реконструкция қилинаётган «Шодлик» маданият ва истироҳат боғининг биринчи босқичи ҳам фойдаланишга топширилди.

O`zLiDeP фаоли етакчилигидаги мазкур корхона жамоаси қаровсиз ҳолга келиб қолган боғни таъмирлашга бел боғлаб, қисқа вақтда аҳолининг муносиб ҳордиқ чиқариши учун қулай шароит яратди. Ҳозиргача бир миллиард 750 миллион сўм маблағ сарфланди. Йигирмата янги иш ўрни очилиб, хорижнинг 18 та замонавий аттракциони, юзга яқин тунги ёритиш чироғи, олтмишга яқин ўриндиқ, элликдан ортиқ турли ҳайвон ва қушларнинг ҳайкали ўрнатилди. Салқин ичимликлар ва музқаймоқ савдоси, фото-видео хизмати кўрсатиш шохобчалари, ёзги саҳна ва болалар томоша майдончаси ишга туширилди.

Ташаббускор тадбиркор олти гектарга яқин майдонни эгаллаган маданият ва истироҳат боғининг иккинчи ва учинчи босқичида аквапарк, амфитеатр, фитнес клуби, мусиқали фаввора, болалар спорти майдончаси, савдо-овқатланиш ва бошқа хизмат кўрсатиш нуқталарини бунёд этиб, қўшимча янги аттракционлар ўрнатишни мўлжалламоқда.

Тантанали маросимда Узун тумани ҳокими Насрулло Тилабов, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова, вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Шодмон Мисиров ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юрт ободлиги ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашдаги ўрни ҳақида гапирдилар.

«Навбаҳор» фермер хўжалиги дала шийпонида «O`zLiDeP фермер аёллар манфаати ҳимоячиси» лойиҳаси доирасида «Фермерлар — Ўзбекистонда етакчи куч» мавзуида учрашув ҳам бўлиб ўтди. Партия вилоят ва туман кенгашлари масъул ходимлари, маҳаллий кенгашлар депутатлари қатнашган тадбирда мамлакатимиздаги изчил ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, партиямизнинг Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда илғор тажрибаларни оммалаштириш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, фермер аёлларни моддий-маънавий рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлари таҳлил қилинди.

«Навбаҳор», «Нурафшон», «Мирзабобомурод» фермер хўжаликлари раҳбарлари Хайитали Неъматов, Абдуҳамид Ҳусаинов, Тоғамурод Давлатовга O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши томонидан таъсис этилган махсус ташаккурнома ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

## Таъсирчан тарғибот маҳсули

**O`zLiDeP Сайловолди дастурида соғлиқни сақлаш тизимини мунтазам ривожлантириб бориш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Замонавий ютуқларга таянган ҳолда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасига хорижий ва маҳаллий капитални жалб этиш, жойларда хусусий клиникалар ташкил этиш орқали тизимда соғлом рақобот муҳитини яратиш партиянинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.**

**Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туман тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган «Аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлашда замонавий технологиялар ва кадрлар салоҳияти» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида юқорида таъкидланган вазифалар ижроси хусусида фикр алмашилди.**

**— Тараққий топган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашга интилаётган Ўзбекистонда халқ фаровонлиги йил сайин юксалиб бораяпти, — деди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари М.Акрамова. — Бу, шубҳасиз, истиқлол шарофати билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир. Бошқа соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам катта ютуқларга эришилмоқда. Айниқса, она ва бола саломатлигига катта эътибор қаратилаётир. Натижада аёлларнинг ўртача умри 67 ёшдан 75 ёшга узайди. Оналар ўлими 3,1, болалар ўлими 3,2 баробарга камайиб, Ўзбекистон болалар саломатлиги учун ғамхўрлик кўрсатадиган дунёдаги ўнта мамлакат қаторидан жой олди. Ана шундай муваффақиятга эришишда давлатимиз раҳбарининг соғлом авлодни вояга етказишга доир фармон ва қарорлари дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Бунда партиямизнинг ҳам муайян ҳиссаси бор.**

**Дарҳақиқат, O’zLiDeP Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида барча ҳудудларда ўтказиб келинаётган тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ҳам оналик ва болаликни муҳофазалаш, хотин-қизларнинг соғлом турмуш тарзи борасидаги тиббий саводхонлигини ошириш, чекка ҳудудларда қизларни спортга кенг жалб этиш, вояга етмаганлар ва қариндош-уруғлар ўртасида никоҳнинг салбий оқибатлари юзасидан тарғибот-тушунтириш ишларини олиб боришдан иборатдир. Лойиҳа доирасида жорий йилда 210 дан ортиқ семинар ташкил этилиб, малакали мутахассислар томонидан 11 минг 742 нафар хотин-қизнинг бепул тиббий кўрикдан ўтказилгани эса O’zLiDePнинг амалий ишлар партияси эканидан яна бир далолатдир.**

**Тадбирда, шунингдек, Президентимизнинг «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашда партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар ҳам муҳокама қилинди.**

**Давра суҳбатининг якуний натижаси сифатида 15 нафар хотин-қиз партияга аъзо бўлиш истагини билдирганини таъкидлаш жоиз.**

**Буни таҳлилчилар таъсирчан тарғибот маҳсули, дея баҳолашди.**

Дилноза НОМОЗОВА.

# 2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ



## ТИНИБ-ТИНЧИМАС ҚАРИЯЛАР

### нафақат дуо ва ўгитлари, балки тадбиркорлиги билан ҳам ўрнак бўлаяпти

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

Бугун Қашқадарёда 189 минг 488 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийси истиқомат қилаяпти. Шундан 211 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 2005 нафари бир аср ва ундан зиёд умр гузаронлик қилиб келаётир.

Таъкидлаш жоизки, уларнинг барчаси эл-юрт ардоғида. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилингани муносабати билан отахону онахонларга эътибор янада ортди. Йилнинг биринчи ярмида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида 1316 та байрам тадбири ўтказилгани бунинг яққол мисолидир.

Хусусан, Хотира ва қадрлаш кунида «Жасорат, бурч, матонат» шиори остида жойларда ташкил этилган сайллар ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтди. Нуронийларга «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медаллари билан бирга 700 минг, касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан эса 300 минг сўмдан нақд пул, 1 донадан аналогли телевизор, мобиль телефон аппаратлари ҳадя этилди.

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими ҳузурида «Мадад», «Ёшлар билан ишлаш», «Фахрий аёллар» ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳимояга муҳтож фахрийлар, ногиронлар, урушда ҳалок бўлганларнинг оилалари, 100 ва ундан ошган кексалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамлар кўрсатиш, саломатликларини яхшилашга жиддий эътибор берилаётир.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида пиру бадавлатларимиз бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, барча турдаги шифохоналарда саломатликларини тиклаш имконияти яратилди.

Касб тақозоси билан жойларда бўлганимда кўрсатилаётган эъзоз ва эҳтиромдан руҳланиб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган, энг муҳими, ушбу саъй-ҳаракатлари билан Давлат дастури ижросига ҳисса қўшаётган қарияларимизни учратиб, ҳаяжонимни яшира олмадим.

— Кексалар тадбиркорлик билан шуғулланаётганидан жуда мамнунман, — дейди «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими раиси Январь Иноятов. — Масалан, Ғузор туманидаги Авғонбоғ қишлоғида яшовчи Мадамин бобо Хушвақтов 18 сотихлик иссиқхонасида полиз маҳсулотлари, қаламчадан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, уруғдан помидор ниҳоллари етиштириб, 3 ойда 5 млн. сўм даромад топди. Кам таъминланган оилаларга 300 минг сўмлик полиз маҳсулотлари, 400 минг сўмлик дарахт кўчати ва помидор ниҳоллари тарқатиб чиқди. Шу туманнинг Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи меҳнат фахрийси София Бердиева эса лимон ва петрушкадан 12 млн. сўм даромад олди. 400 минг сўмлик лимон, 800 минг сўмлик кўкатни кишлоқдагиларга бепул улашди. Яккабоғнинг Чуброн қишлоғида истиқомат қилаётган кекса муаллим, 90 ёшли Худойберди бобо Ярашев лалми жойларда тераклар ва тоқзор яратиб, барчани ҳайратга солди. Ўз ҳисобидан кам таъминланган оилаларга ҳар йили қўй-эчки ҳадя этиб, эл дуосини олиб келаётир.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида жамғарма томонидан ташкил этилган 2233 та учрашув ва давра суҳбатига ёшларни таклиф этиш вилоятимизда яхши анъанага айланиб қолди. Кенгаш қошида 29 та тарғибот-ташвиқот гуруҳи ва жамоатчилик марказлари фаолик билан иш олиб бормоқда. «Кўмак», «Ғамхўрлик», «Мадад» гуруҳлари аъзолари 15 нафардан зиёд ётиб қолган ногирон, уруш ва меҳнат фахрийси, 100 ёшдан ошган қариялар ҳолидан хабар олиб, уй ва томорқа ишларида моддий-маънавий кўмак бердилар. Бунда 90 минг нафардан зиёд йигит-қизнинг иштирок этгани диққатга сазовордир.

— Мустақил юртимизда тинч-осойишта, ёшларга бахт-саодат тилаш бахтига мушарраф бўлиб яшаётганлигимиздан бошимиз осмонда, — дейди меҳнат фахрийси Хушвақт момо Рўзиева. — Шундай эътиборга жавобан биз, фахрийлар ҳаёт тажрибамиз, ўгитларимиз билан ёшларни етук инсонлар қилиб тарбиялашга қўлдан келганча ҳисса қўшишга ҳамиша тайёрмиз. Бу йил тўқсон ёшга кирдим. Ҳар тонг Аллоҳга шукроналар келтириб, юртимиз тинч, Юртбошимиз омон бўлсин, дея дуо қиламан.

Вилоят фахрийлари ташаббуси билан ташкил этилган «Нуронийлар маслаҳати — ёш оилалар камолоти» ҳаракати бугунги кунда кўплаб хайрли ишларга бошқош бўлаётгани ҳам эътиборга моликдир. Ёшларни турли ёт оқимлар таъсирига тушиб қолишдан асраш ва тадбиркорликка йўналтириш орқали уларни доимий иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган тарғибот тадбирларига 1260 нафар фахрий ва 5165 нафар ёш оила қамраб олингани эса тиниб-тинчимас қарияларимиз мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти ва буюк келажаги учун ўзларини камарбаста деб билаётганларидан далолатдир.

**ҒУЗОР ТУМАНИДАГИ АВҒОНБОҒ ҚИШЛОҒИДА ЯШОВЧИ МАДАМИН БОБО ХУШВАҚТОВ 18 СОТИХЛИК ИССИҚХОНАСИДА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ, ҚАЛАМЧАДАН МЕВАЛИ ВА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ КЎЧАТЛАРИ, УРУҒДАН ПОМИДОР НИҲОЛЛАРИ ЕТИШТИРИБ, 3 ОЙДА 5 МЛН. СЎМ ДАРОМАД ТОПДИ. КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА 300 МИНГ СЎМЛИК ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ, 400 МИНГ СЎМЛИК ДАРАХТ КЎЧАТИ ВА ПОМИДОР НИҲОЛЛАРИ ТАРҚАТИБ ЧИҚДИ.**

## «Юртимизга асло кўз тегмасин»

### — дейди қоракўллик 93 ёшли уруш ва меҳнат фахрийси Элмурод бобо Жўраев

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI asr»

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида Бухоро вилояти ҳокимининг қарорига мувофиқ 6 бўлим, 64 банддан иборат ҳудудий дастур ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида бюджет, ижрочи ва ҳомийлик маблағларини жалб этган ҳолда жами 182,6 млрд. сўм ўзлаштирилиши режалаштирилган. Шу асосда ўтган 9 ой мобайнида Давлат ва ҳудудий дастурларда белгиланган тадбирлар ижросига 171,2 млрд. сўм ва 132,5 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди. Жумладан, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар маблағи 8,4 млрд. сўмни, ижрочилар ва ҳомийлик маблағи 53,7 млрд. сўмни, тижорат банклари кредити 109,1 млрд. сўмни ташкил этди. Халқаро ташкилотлар ва молия институтлари томонидан эса 132,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги грантлар сарфланди.

Жумладан, дастурнинг 11-банди ижроси доирасида 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг 22 нафарига «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман ва шаҳар бўлинмалари маблағлари ҳисобидан рақамли телевидение сигналларини қабул қиладиган 24 млн. сўмлик телевизорлар тақдим этилгани, кекса ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятдаги 2 та «Мурувват уйи» 35 млн. сўмлик маиший ва шахсий гигиена воситалари билан таъминланганлиги бу борада амалга оширилаётган савобли ва хайрли ишларнинг бир қисми, холос.

Давлат дастури қабул қилинганидан буён вилоят бўйича жами 512 нафар уруш қатнашчиси ва меҳнат фронти фахрийси, якка-ёлғиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг рўйхати шакллантирилиб, мунтазам равишда улар ҳолидан хабар олиб турилибди. Уларнинг уй-жойларини таъмирлаш бўйича вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, молия бошқармалари, пенсия жамғармаси билан биргаликда алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, изчил бажарилаяпти. Ҳомийлар ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлинмалари маблағлари ҳисобидан шу кунгача 271 нафар фуқаронинг уй-жойи таъмирдан чиқарилди. 63 нафар 100 ва ундан катта ёшдаги фахрийларни жалб этган ҳолда жойларда «Аср билан юзма-юз» мавзуида тадбирлар ташкил этилди.

Қутлуғ саналар муносабати билан 500 нафардан ортиқ кекса ва ногиронларга байрам туҳфалари тарқатилди. «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида вилоят бўйича 924 нафар отахон ва онахон учун жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамизнинг тарихий шаҳарлари ва диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилиб, жойларда «Кексаси бор хонадон — файзли хонадон», «Кексалар дуосини олайлик» сингари мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

— Давлатимизнинг доимий ғамхўрлигидан бениҳоя мамнунман, — дейди Қоракўл туманилик уруш ва меҳнат фахрийси, 93 ёшли Элмурод бобо Жўраев. —Қўлларимиз ҳамиша дуода. Илоҳим, юртимизга асло кўз тегмасин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат ва ҳудудий дастурлари доирасида O`zLiDeP вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ҳам хайрли тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бухоро шаҳри, Ромитан, Қоровулбозор, Ғиждувон, Олот туманларида ташкил этилаётган юзма-юз мулоқотлар ва давра суҳбатлари шулар жумласидандир. Масалан, Ромитан туманидаги Қалайчорбоғ МФЙда маҳалла қошидаги БПТ саъй-ҳаракати билан ташкиллаштирилган «Қариялар — хонадонларимиз файзи ва фариштаси» мавзуида, Қоровулбозор туманидаги Бўзачи ҚФЙда O`zLiDeP фаоллари ва «Камолот» ЁИҲнинг туман бўлими ходимлари иштирокида уюштирилган «Кексаларни эъзозлаган юрт» мавзусидаги тадбир ҳамда «Ўзбектелеком» АКнинг Бухоро шаҳар телекоммуникация бўлинмасида ушбу корхонадаги БПТ фаоллари ташаббуси билан ўтказилган тадбир ҳам иштирокчиларда ёрқин таассурот қолдирди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мухтасар айтганда, Бухорода «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат ва ҳудудий дастурлар асосида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар юртимиз тинчлиги ва ободлиги, дастурхонларимиз файзу баракаси учун ҳамиша дуода бўлган отахону онахонларимиз умрларига умр қўшиб, қалбларига иликлик киритмоқда.

**БУХОРОДА «КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ВА ҲУДУДИЙ ДАСТУРЛАР АСОСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАР ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ОБОДЛИГИ, ДАСТУРХОНЛАРИМИЗ ФАЙЗУ БАРАКАСИ УЧУН ҲАМИША ДУОДА БЎЛГАН ОТАХОНУ ОНАХОНЛАРИМИЗ УМРЛАРИГА УМР ҚЎШИБ, ҚАЛБЛАРИГА ИЛИҚЛИК КИРИТМОҚДА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори тараққиётимизни янги сифат босқичига олиб чиқиш, ижтимоий турмушимиз мазмунини юксалтиришга қаратилгани билан долзарбдир. Ушбу дастуриламал ҳужжатни самарали амалга оширишга Қорақалпоғистон Республикасида ҳам алоҳида аҳамият берилаётир**

## Амалдаги асл эҳтиром

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«XXI asr»

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раёсати, Вазирлар Кенгаши, вазирлик ва идоралар, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган Ишчи гуруҳлари Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг тўлатўкис амалга оширилишини мувофиқлаштириб бормоқда.

Бугунги тинч, дориламон кунларимиз учун жангларда жасорат кўрсатган, фронт ортида кечаю-кундуз меҳнат қилган отахон ва онахонлар доимий эътиборда. Уларнинг 89 нафарига давлатимиз раҳбарининг фармонида белгиланган 700 минг сўмлик бир марталик мукофот пулларидан ташқари Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳисобидан 300 минг сўмдан маблағ ажратилди. 95 нафар уруш ветерани мамлакатимизда ишлаб чиқарилган аналогли ва рақамли телевидение сигналларини қабул қиладиган телевизор билан бепул таъминланди. Ҳудудда яшовчи уруш иштирокчиси ва ногиронлардан 22 нафарининг «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси абоненти эканлиги аниқланиб, уларнинг мазкур алоқа воситаси, шунингдек, мобайл телефонидан фойдаланишларига имтиёзлар яратиш мақсадида 450 минг сўмлик шаҳарларо сўзлашув карточкалари тарқатилди.

Хўжайли ва Чимбой «Мурувват уйи»лари даволанаётган ногиронларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш бўйича изчил чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди. Шу асосда Чимбой «Мурувват уйи»да 4,5 миллиард сўмлик реконструкция ва қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. 160 ўринлик бино мукаммал таъмирланиб, 50 ўринли қўшимча бино ишга туширилди. Ҳомийлар ва бюджет маблағлари ҳисобидан 1000 донага яқин манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

— Жорий йил бошидан буён 2087 нафар уруш ногирони ва меҳнат фронти қатнашчиси чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, тиббиёт фанлари доктори Дониёр Ҳожиев. — Шундан 1755 нафари амбулатор, 94 нафари стационар, 1187 нафари уй шароитида саломатликларини мустаҳкамладилар.

Шу йилнинг 20 август ҳолатига 245 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийларига санаторийларга бепул йўлланма берилди. 1075 нафар фахрий Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги санаторийларида бепул дам олиш имкониятига эга бўлди.

Тиббий кўрик натижалари асосида ҳудудий тиббиёт муассасалари амалиётига диагностика ва даволашнинг янги усулларини жорий этган ҳолда 33 та кўргазмали мураккаб жарроҳлик операцияси ўтказилди. 266 нафар отахон ва онахонга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди. Умуртқа поғонаси касалланган 84 нафар бемор консерватив йўл билан соғломлаштирилди. 25 нафар қария юрак-қон артериялари стентлаш, 7 нафари аорто-коронар шунтлаш операциялари ўтказишга юборилди. Катаракта ва глаукома касаллигига чалинган 84 нафар бемор бепул операция қилинди.

Мухтасар айтганда, Давлат дастурининг ижроси Қорақалпоғистонда ҳам пиру бадавлат нуронийларимиз турмушига янгича мазмун бахш этмоқда.

**— ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДАН БУЁН 2087 НАФАР УРУШ НОГИРОНИ ВА МЕҲНАТ ФРОНТИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛДИ, — ДЕЙДИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ, ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ДОНИЁР ҲОЖИЕВ. — ШУНДАН 1755 НАФАРИ АМБУЛАТОР, 94 НАФАРИ СТАЦИОНАР, 1187 НАФАРИ УЙ ШАРОИТИДА САЛОМАТЛИКЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАДИЛАР.**

## ХУСУСИЙ ШИФОХОНАДА ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ

**«Нозигул-Сардор Оқолтин» хусусий клиникаси раҳбари, O`zLiDeP Янгиер шаҳар кенгаши раиси, шаҳар кенгаши депутати Гулчеҳра Жонжигитова ташаббуси билан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида хайрия акцияси ўтказилди.**

**Шу куни вилоятнинг 11 та туман ва шаҳарларидан ташриф буюрган 50 нафардан зиёд отахон ва онахонлар мазкур клиникада бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Хусусан, асаб, юрак, умуртқа чурраси, томоқ, бурун, қулоқ касалликлари ва неврологик хасталиклар бўйича мутахассис-шифокорлар томонидан малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.**

**— Мени клиникадаги шарт-шароитлар, тажрибали шифокорларнинг хизмати мамнун этди, — дейди гулистонлик 70 ёшли отахон Авазбек Умаров. — Малакали тиббий кўрикдан ўтиб, ўзим учун керакли маслаҳатларни олдим. Айниқса, бу масканнинг Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар билан жиҳозланганлиги эътиборга моликдир.**

**— «Нозигул-Сардор Оқолтин» клиникасида даволанаётганимга 8 кун бўлди, — дейди янгиерлик Жумахол Маликова. — Бу ерда беморлар учун барча қулайликлар яратилган. Хоналар ёруғ ва шинам, иссиқ ва совуқ сув муҳайё. Ҳар куни 4 маҳал мазали таом тайёрланади.**

**Бунга ўхшаш миннатдорлик сўзларини гулистонлик Ўғилой Худойберганова, Санам Ҳусанова, боёвутлик Марҳамат Эшонова ва бошқалардан ҳам эшитдик.**

**— Асаб ва умуртқа чурраси билан оғриган беморларнинг ётиб даволанишлари учун 20 та хона ажратилган, — дейди Г.Жонжигитова. — Дори-дармонлар етарли. Айни пайтда беморларга 22 нафар врач ва малакали ҳамшира хизмат кўрсатмоқда. Келгусида физиотерапия ва ички касалликларни даволаш бўлимини ташкил этишни режалаштираяпмиз. Бу эса яна 10 та иш ўрнини очиш имконини беради.**

Дилора ЭСОНОВА.

**АЗИЗ МУШТАРИЙ!**

«XXI ASR» ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ УЧУН 2016 ЙИЛГА ОБУНА БОШЛАНДИ. ЯНГИ ЙИЛДА ҲАМ БИЗ БИЛАН БИРГА БЎЛИШИНГИЗГА ИШОНАМИЗ.

НАШР ИНДЕКСИ ЎША-ЎША: 406.

**Дарвоқе, таҳририят билан тўғридан-тўғри шартнома тузган юридик ва жисмоний шахсларга чегирмалар бор.**

ТЕЛЕФОН ҚИЛИНГ: 255-68-50, 215-63-80, 281-40-17.

**«XXI ASR»** 43 (623)-son, e-mail: xxi_asr@umail.uz

**«O`ZLIDEP БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ ПАРТИЯ САФИГА КИРИШНИ ХОҲЛОВЧИ НОМЗОДЛАРНИНГ СИЁСИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ, КАСБИЙ МАҲОРАТ ВА ТАЖРИБАСИНИ, ФУҚАРОЛИК ВА ИНСОНИЙЛИК ХИСЛАТЛАРИНИ ЎРГАНАДИ. АЙНИҚСА, ЁШЛАР ИЧИДАН ШУНДАЙ КИШИЛАРНИ ПАРТИЯ САФИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАЙДИ ВА УЛАРГА ҲАР ТОМОНЛАМА ЁРДАМ БЕРАДИ».**

O`zLiDeP Уставидан.

## «Оилавий корхона — кони фойда»

**«Чортоқ туман электр тармоқлари» корхонасидаги O`zLiDeP бошланғич ташкилоти томонидан ўтказилган давра суҳбати ана шундай номланди.**
**— 2012 йилда қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун шарофати билан туманимизда бизнеснинг мазкур тури билан шуғулланувчилар кўпайиб бораётир, — дейди қуйи бўғин етакчиси Раҳимжон Мирзаев. — Бизнинг вазифамиз эса мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти юзасидан аҳоли ўртасида янада кенг тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришдир. Бундай тадбирларни бевосита қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ўтказиш янада яхши самара бериши шак-шубҳасиздир. Шу мақсадда БПТ аъзолари — Шуҳрат Ҳасанов ва Тоиржон Хайруллаев маҳаллаларда бўлиб, биргаликда иш олиб бориш хусусида келишиб келдилар. Тадбирда, шунингдек, жойларда партиявий лойиҳаларни ҳам аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишни кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди.**

Аҳроржон МУСУРМОНОВ.

# ҲУДУДДАГИ МАВҚЕНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛ

**Наманган вилоятида бошланғич партия ташкилотлари сони 810 тадан, аъзолар эса 15 минг нафардан ошди. Ҳудудда фақат БПТлар сонини кўпайтиришгина эмас, балки уларни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш, электорат вакиллари орасида обрў-эътибори, ишончини янада мустаҳкамлаш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда**

**Комилжон ФАЙЗИЕВ,**
O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати раҳбари

— Қуйи бўғинларнинг самарали фаолияти туман ва шаҳар, қолаверса, вилоят партия ташкилотларининг ҳудуддаги мавқеини белгиловчи асосий омилдир, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори мудири Эркинжон Аҳмадхўжаев.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермер хўжаликларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, уларнинг ялпи ички маҳсулот, янги иш ўринлари яратишдаги улушини кўпайтириш, тадбиркорлик йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлар ўз натижасини бермоқда. Бу янгиликларни жойлардаги электорат вакиллари, тадбиркорлар, фермерларга ким етказади? Бу қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини уларга ким тушунтиради? Албатта, БПТлар. Шунинг учун биз фақатгина партияга аъзоларни жалб этиш, янги БПТларни очиш билан кифояланмасдан, уларнинг ҳар бири билан алоҳида иш олиб боришга эътиборни кучайтирдик.

Дарҳақиқат, O`zLiDeP вилоят кенгаши таянч тузилмалар сонини кўпайтириш билан бирга улар фаолиятида самарадорликка эришиш учун қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Жумладан, ҳар бир партиявий тадбир қуйи бўғинларда ташкил этилаётганлиги, бошланғич ташкилотлар етакчиларини сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўқитишга эътибор қаратилаётганлиги, сиёсий таълим маркази томонидан ўқув-семинарлари, тренинглар мунтазам ўтказилаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Буни партия аъзолари сонининг кўпайиб бораётганлиги, жипслашаётганлиги, энг муҳими, БПТлар фаоллиги ва ташаббускорлиги кучайиб бораётганлигида ҳам кўриш мумкин.

Вилоятда «Энг намунали бошланғич партия ташкилоти» кўрик-танловини уюшқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳар, туман босқичларида ғолиб бўлган 3 тадан энг намунали БПТ танловнинг ҳудудий босқичида иштирок этишга йўлланмани қўлга киритдилар.

СЕНТЯБРЬ ОЙИНИНГ ЎЗИДА O`ZLIDEP УЧҚЎРҒОН ТУМАН КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ПАРТИЯГА 105, ТЎРАҚЎРҒОН ВА ЧУСТ ТУМАН КЕНГАШЛАРИДА 60 НАФАРДАН ЯНГИ АЪЗО ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ ВА УЛАР 12 ТА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИГА БИРЛАШТИРИЛДИ.



Наманганда бошланғич партия ташкилотлари билан ишлашда яна бир янгиликка қўл урилди. Яъни, ўз фаолиятини тўхтатган корхоналардаги партия таянч тузилмалари қайта хатловдан ўтказилди. Унинг натижасига кўра, фаолият юритмаётган 37 та БПТни беркитишга тўғри келди. Уларнинг ўрнига янги иш бошлаган хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектларида тарғибот ишлари йўлга қўйилгани ўз самарасини берди. Жорий йилнинг 9 ойи давомида 50 та янги таянч нуқта очишга эришилди. Шу давр мобайнида партия аъзоларининг сони 13 минг 532 нафардан 15 минг 015 нафарга етди, бошқача айтганда, аъзолар сафига яна 1503 нафар киши келиб қўшилди.

Масалан, сентябрь ойининг ўзида O`zLiDeP Учқўрғон туман кенгаши томонидан партияга 105, Тўрақўрғон ва Чуст туман кенгашларида 60 нафардан янги аъзо қабул қилинди ва улар 12 та бошланғич ташкилотга бирлаштирилди.

Партия вилоят кенгаши бугун мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб бораётган фермер хўжаликларида ҳам бошланғич ташкилотлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Президентимиз Ислом Каримов яқинда Наманганга ташрифи чоғида фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, уларнинг кўптармоқли бўлишига имконият яратиш, фермер бугун фақат пахта, ғалла етиштириш билангина кифояланмай, балки боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик сингари йўналишларда ҳам иш олиб бориши, шу орқали аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат, гўшт ва сут маҳсулотлари, мева-сабзавотлар билан таъминлаши долзарб вазифа эканлиги хусусида қимматли тавсия ва маслаҳатларни берди.

Бу эзгу мақсадларга O`zLiDeP Наманган вилоят, туман, шаҳар кенгашлари жойлардаги қуйи тузилмалар фаоллиги, ташаббускорлигини кучайтириш орқали эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бугун партия вилоят кенгаши аппарати ходимларининг ҳар бири шаҳар, туманларга бириктирилган бўлиб, улар жойларда аъзолар сафини кенгайтириш, бошланғич ташкилотлар фаоллигини оширишга амалий ёрдам бермоқдалар.

Фермер хўжаликларида БПТ очиш билан бирга уларни йириклаштириш устида ҳам иш олиб борилмоқда. Яъни, фермер хўжаликларидаги қуйи тузилма сафига ўша ҳудуддаги таълим, соғлиқни сақлаш муассасаларидаги хайрихоҳлар, якка тартибдаги тадбиркорлар, сартарошхона, косибхона, чеварxона каби хизмат кўрсатиш шохобчалари ходимларини ҳам жалб этиш тажрибаси қўлланилмоқда. Бундан кўзда тутилган мақсад жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари нуфузини янада ошириш, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини юксалтиришдир.

# Наргизани Учқудуқда ҳамма танийди

**Учқудуқ — сарҳадсиз Қизилқум саҳросида ястанган энг чекка туманлардан бири. Ҳудуди катта бўлса-да, аҳолиси оз. Айрим овулдан-овул, ферма ёки қўшдан-қўшга бориш учун ярим кун ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт кетади**

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr»

Лекин шунга қарамай, O`zLiDeP Учқудуқ туман кенгаши ўз электорати ва партиядан халқ депутати туман ва вилоят кенгашларига сайланган 14 нафар вакили кўмаги, энг асосийси, 55 та бошланғич ташкилот атрофига бирлашган 1546 нафар сафдошига таянган ҳолда фаолият юритмоқда. Буни биргина Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Наргиза Ортиқова етакчи бўлган БПТ мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Бугунги шиддаткор замонда эскича фикр ва дунёқараш билан яшаб бўлмайди, — дейди Н.Ортиқова. — Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон учун, унинг орзу-истаклари рўёби учун йўналтирилгандир. Шу боис ушбу жараёнда ҳар биримиз онгли равишда, қатъий фуқаролик масъулиятини ҳис этиб, фаол иштирок этаяпмиз. Сафдошларим менга катта ишонч билдириб, БПТ раислигига сайлашди. Дастлаб ишни самарали ташкил этишда анча қийналдим. Билмаганларимни туман кенгаши раҳбарлари, тажрибали кишилардан ўргандим. Партия Уставида қайд этилганидек, бошланғич ташкилот партиянинг таянчи ва суянчи бўлмоғи лозим. Етакчи масъулияти эса ундан-да катта. Асосий эътиборни партия мақсадларини аввало тадбиркор ва ишбилармонлар, турли қатлам вакилларидан иборат электоратимиз орасида кенг тарғиб қилишга қаратаяпмиз. БПТ хонасини партия имижига мос жиҳозладик. Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар, O`zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформалари жамланган мўъжазгина кутубхона ташкил этдик.

— МЕН ПАРТИЯНИ УЛКАН ИМОРАТГА ЎХШАТАМАН. ҚУЙИ БЎҒИН ТАШКИЛОТЛАРИ ЭСА УНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР, — ДЕЙДИ СУҲБАТДОШИМИЗ. — УЛАР ҚАНЧАЛИК МУСТАҲКАМ БЎЛСА, ПАРТИЯМИЗНИНГ ХАЛҚ ОРАСИДАГИ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ, НУФУЗИ ШУ ҚАДАР ЮҚОРИ БЎЛАДИ.

Излаган имкон топади, деганларидек БПТ раисининг югуриб-елишлари, интилишлари бесамар кетмади. Қуйи бўғин аъзолари сони бир йилда салкам 100 нафарга кўпайиб, 137 нафарни ташкил этди. Бундай натижага эришишда халқ депутатлари туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Абдумалик Қудратов, сафдошлари Маҳбуба Ҳасанова, Лобар Сафарова, Беҳзод Қодиров, Мубина Камолова, Ойдин Адизова яқин кўмакчи бўлишаётир.

— Мен партияни улкан иморатга ўхшатаман. Қуйи бўғинлар эса унинг пойдеворидир, — дейди суҳбатдошимиз. — Улар қанчалик мустаҳкам бўлса, партиямизнинг халқ орасидаги обрў-эътибори, нуфузи шу қадар юқори бўлади.

Эътироф этиш жоиз, Наргиза Ортиқова раҳбарлигидаги таянч ташкилот бир йил ичидаёқ нималарга қодир эканини намоён этиб, «Энг намунали БПТ» танлови туман босқичида ғолиблар сафидан муносиб ўрин эгаллади ва вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Тумандаги барча БПТ раислари ундан андоза ола бошладилар. Фаоллар эса киройи раис бўлса, шундай бўлсин, демоқдалар.




Биз — XXI асрда яшаяпмиз!

Биз — XXI асрда ишлаяпмиз!

**Сиз — «XXI ASR»га 2016 йил учун обуна бўлдингизми?**

Нашр индекси: 406

Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80

## Танқид ва тавсия

**Самарқанд туманида фаолият юритаётган «Истиқбол пресс» МЧЖда O`zLiDeP қуйи тузилмаси очилиши билан тумандаги БПТлар сони 51 тага, аъзолар эса 2295 нафарга етди.**
**Янги БПТ намунали тарзда ташкил этилгани сабабли партиянинг айрим тадбирлари шу ерда бўлиб ўтмоқда. Жумладан, яқинда халқ депутатлари Самарқанд туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳининг йиғилиши ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил дастури тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси Самарқанд филиали бошлиғи Акмал Шукуровнинг ахбороти эшитилди. А.Шукуровнинг таъкидлашича, ўтган йили намунавий лойиҳалар асосида вилоят бўйича 1127 та янги уй фойдаланишга топширилган. Жорий йилда эса 37 та массивда 1238 та шундай замонавий уй-жойнинг қурилиши якунига етказилмоқда. Бироқ турар-жойларни қуриш ва молиялаштириш, ер майдонлари ажратиш, ташқи инфратузилма объектларини қурилиш материаллари билан таъминлаш каби бир қатор ташкилиш-ҳуқуқий масалаларда ҳалигача камчиликлар мавжудлиги депутатлар томонидан танқид қилинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.**
**— Депутатлар ҳамда партиянинг бошланғич ташкилотлари иштирокида тадбирларнинг тизимли йўлга қўйилиши яхши самара беради, — дейди халқ депутатлари Самарқанд туман кенгаши депутати, «Истиқбол пресс» МЧЖдаги БПТ раҳбари Акбар Маҳмудов. — Фаолларимиз партия ҳақидаги тушунчаларини янада бойитиш билан бирга яна қайси масалаларни депутатлар иштирокида ҳал этиш мумкинлиги ҳақида ҳам аниқ хулосаларга келишди.**

Муҳаббат РАВШАНОВА.

# ЖАРАЁН

## МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

### Тўқсон икки фоизлик ечим

**Маълумки, жамоатчилик ва фуқаролик назорати институтлари жамият билан давлат ўртасида ўзаро самарали алоқаларни йўлга қўйиш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатда кечаётган жараёнларга фаол муносабатни шакллантиришда алоҳида ўрин тутади.**

Зеро, ҳаётимизда демократик қадриятларни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ўтказилган «Юксак ҳуқуқий маданият ва фуқаролик жамияти» мавзуидаги матбуот анжуманида ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар хусусида фикр юритилди. Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан ташкил этилган тадбирда Марказий банк, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Таъкидланганидек, ҳозирда мамлакатимизда 8000 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти иш олиб бормоқда. Уларнинг эркин фаолият юритиши учун етарлича ҳуқуқий асос яратилган. Асосий эътибор фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ишончли ҳимоялаш, аёллар ва ёшлар муаммоларини жойида ҳал қилиш каби масалаларга қаратилмоқда.

— Айни пайтда жойларда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг 14 ҳудудий бирлашмаси, 193 туман ва шаҳар жамияти, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар ҳамда ўқув муассасаларида унинг таянч гуруҳлари фаолият юритмоқда, — дейди федерация бўлим бошлиғи Умида Мансурова. — 2015 йилнинг ўтган даврида ташкилотимизга 5,4 мингдан ортиқ мурожаат тушган бўлса, шунинг 92 фоизи ижобий ҳал этилди. Истеъмолчилар фойдасига 1,7 миллиард сўмга яқин маблағ ундириб берилди. Федерация қошида «Ишонч телефони» ташкил этилгани аҳоли учун қулайлик туғдирмоқда. Эндиликда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан йўлланган барча мурожаатлар мутахассислар томонидан атрофлича ўрганилиб, жойида ҳал этилаётир.

**Ўз мухбиримиз.**

### Замонавий ва камхарж

**2016 йилдан 5 миллион дона янги электр ҳисоблагичларни ўрнатишга киришилади.**

Миллий матбуот марказида «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти томонидан ўтказилган навбатдаги анжуман электр энергияси учун ҳисоб-китоблар интизомини янада мустаҳкамлашга бағишланди.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур акциядорлик жамияти соҳани жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, энергия сарфини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини амалиётда қўллаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, ушбу йўналишларда бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда.

— Инновацион лойиҳалар илгари қўлда бажарилган кўплаб операцияларни автоматлаштириш, электр энергияси етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни замон зайлига мослаш, мурожаатларни қабул қилиш жараёнини соддалаштириш имконини бермоқда, — деди «Энерго АБТ» функционал созлаш бўлими бошлиғи Малика Расулова. — Шунингдек, истеъмол қилинган энергия ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлашда ҳам сезиларли натижаларга эришилаяпти. Жумладан, Марказий банкнинг Клиринг тизими (МУНИС) орқали электр энергиясининг истеъмоли учун тўловларни амалга ошириш тизими тўлиқ ишга туширилгани туфайли пул маблағларини шу куннинг ўзидаёқ реестрлар асосида таъминот корхоналари ҳисоб рақамларига ўтказиш имкониятини яратди. Истеъмолчиларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида «Web sum», «Мой банк», СМС тизимлари орқали тўловлар қабул қилиш йўлга қўйилди.

Анжуманда, шунингдек, мавжуд энергия сарфини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган (АСКУЭ) тизимини татбиқ этиш, замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатиш орқали истеъмолчиларнинг тўлов интизомини тартибга солиш масалалари хусусида ҳам батафсил ахборот берилди.

Мазкур лойиҳа доирасида акциядорлик жамияти томонидан истеъмолчиларга 5 млн. дона замонавий ҳисоблагич ўрнатиш, мақсадида «Осиё тараққиёт банки», «Жаҳон банки», «Ислом тараққиёт банки» ва бошқа инвесторларнинг кредит маблағлари жалб этилаётганига эътибор қаратилди. Юқори даражада аниқ ва ишончли ишлайдиган, ташқи таъсирдан тўлиқ ҳимояланган ҳисоблагичлар 2016 йилдан ўрнатила бошланиши маълум қилинди.

### Мижозлар учун он-лайн суғурта

**Миллий матбуот марказида «Кафолат» суғурта компанияси томонидан суғурта соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг ҳолати ва истиқболларига бағишланган анжуман ташкил этилди.**

— Молия-хўжалик фаолиятининг очиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида компанияда молиявий ҳисоб-китоб ва ҳисоботлар, меҳнат жараёнини бошқариш, ишлаб чиқариш-техник фаолиятни компьютерлаштириш бўйича интеграциялаштирилган комплекс ахборот тизими жорий қилинган, — деди компания бошқаруви раисининг ўринбосари Валентина Грибанова. — Кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида мижозларнинг муайян суғурта маҳсулоти ёхуд хизматлар бўйича маълумот олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Масалан, мобиль қурилмалар учун махсус иловалар ишлаб чиқилган. «Android» платформасидаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш калькулятори» мобиль иловаси транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта мукофотларини ҳисоблашга мўлжалланган бўлиб, ушбу тажриба шахсий маълумотлар, транспорт воситаси тури, рўйхатдан ўтган ҳудуд, тарифлар, фойдаланиш муддати ва бошқа параметрлардан келиб чиққан ҳолда, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта қийматини мустақил ҳисоблаш имконини беради. Янги хизмат тури транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича суғурта полисларини сотиш билан шуғулланадиган суғурта агентлари ва суғурта хизматидан фойдаланувчилар учун ҳам айниқса фойдалидир.

Тадбирда қайд этилганидек, суғурта хизматларини аҳолига тақдим этишда интернет тармоғидан кенг фойдаланилмоқда. Мижоз онлайн режимида суғурта хизматидан фойдаланиш учун ўз мобиль телефони рақамини кўрсатган ҳолда, компаниянинг расмий сайтида рўйхатдан ўтиши зарур. Шундан сўнг унга шахсий виртуал кабинет тақдим этилади. Шахсий кабинетда баланс тўлдирилишини кузатиш, суғурта хизматларидан фойдаланиш, суғурта билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида савол бериш ва маълумот олиш имкониятлари мавжуд.

Бугунги кунда компания онлайн режимида транспорт воситалари эгаларининг мажбурий фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш, шунингдек, «Болажон», «Саломатлик» ва «Оилавий» дастурлари бўйича бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш билан боғлиқ кўпдан-кўп хизматларни таклиф этмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

### Техника — деҳқоннинг қаноти

**Бугун мамлакатимизда қишлоқ хўжалик техникалари ва уларнинг эҳтиёт қисмларига бўлган талаб-эҳтиёж катта. Фермер хўжаликларига шартнома асосида сервис ва таъмирлаш хизматлари кўрсатиш миқёси йил сайин ортиб бораётир. Бунда «Ўзагромашсервис» уюшмасининг салмоқли ҳиссаси бор.**

Миллий матбуот марказида ўтказилган навбатдаги анжуманда мазкур уюшма мутасаддилари тизимда олиб борилаётган ишлар хусусида батафсил ахборот бердилар.

Маълум бўлишича, бугунги кунда «Ўзагромашсервис» тизимида 13 та ҳудудий МТП бирлашмаси, 174 та туман машина-трактор парки, 5 та республика ва 7 та вилоят миқёсидаги таъминот корхонаси, 14 та қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва саноат ишлаб чиқариш заводи, 3 та автотранспорт корхонаси, 3 та қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. 2015 йилда баҳорги дала юмушларини самарали ташкил этиш, ғалла ўриш комбайнларини мавсумга тайёрлаш учун 55,0 млрд. сўмлик эҳтиёт қисм, қишлоқ хўжалик шиналари ва бошқа турдаги моддий-техника ресурслари ишга солинди. Бунда хўжаликларга лизинг хизматлари кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Компаниямиз томонидан 2015 йил ҳосилидан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгорлаш ишларини ташкил қилишда қатнашадиган 300 та YTO-C1402 русумли ҳайдов тракторининг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида 1,4 млрд. сўмлик эҳтиёт қисмлар захираси яратилди, — деди «Пахта Лизинг» компанияси бошқарув раиси ўринбосари Истам Адиев. — Шунингдек, 2016 йил баҳорги дала ишларида қатнашадиган техника ва экиш агрегатларини мавсумга тайёрлаш учун октябрь ойининг охири ва ноябрь ойининг бошларида умумий қиймати 7,7 млрд. сўмлик 5 минг дона шина келтирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қишлоқ хўжалик техникалари сони ортиб бориши муносабати билан уларни туман МТПлари ва «Агротехсервис МТП» МЧЖлар томонидан ўз вақтида сифатли қилиб таъмирлаш ва замонавий сервис хизматларини кўрсатишга бўлган талаб ортиб бормоқда. 2013 йилда таъмирлаш ва кўрсатилаётган сервис хизматлари ҳажми 13,1 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу рақам 15,6 млрд.ни, 2015 йилнинг 5 ойида 13,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Тадбирда, шунингдек, уюшма тизимидаги корхоналарда 2015 йилда 74 та иш ўрни яратилгани, озиқ-овқат хавфсизлиги дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида жойларда 152 та кичик ҳажмдаги паррандачилик ва қорамол фермалари, дорихона, сартарошхона, новвойхона, автомобилларга сервис хизматлари кўрсатиш шохобчалари ташкил этилганига алоҳида урғу берилди.

### ФВВ: профилактика ва амалиёт

Миллий матбуот марказида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ташкил этилган анжуманда асосий эътибор нафақат фавқулодда вазиятлар содир бўлганда амалга ошириладиган тезкор чоралар, балки бундай ҳолатларнинг олдини олиш, рўй бериш эҳтимоли бўлган хавфни камайтиришга эришиш, шундай воқеалар рўй берган тақдирда одамлар соғлиғини сақлаш, атроф-муҳитга етказиладиган зарарлар миқдорини қисқартиришга қаратилди.

Шу мақсадда гидрометеорологик ҳодисаларни замонавий прогнозлаш, сел-тошқин ва қор кўчкиси мавжуд ҳудудларда мунтазам назорат ишларини олиб бориш мақсадида аэровизуал кузатувлар амалга оширилаётгани хусусида иштирокчиларга атрофлича ахборот берилди.

Эҳтимоли кучли бўлган сув тошқини, сел оқимларининг олдини олиш бўйича Тошкент, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидаги дарё ва сойлар ўзанларини тозалаш, қирғоқ ҳамда гидротехника иншоотларини мустаҳкамлаш юзасидан бажарилаётган ишлар алоҳида таъкидланди.

Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари вакилларидан иборат республика Ишчи гуруҳи аҳоли ўртасида ўта хавфли юқумли касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш бўйича тадбирларни изчил давом эттириб келаётгани, жорий йилнинг ўтган даврида турли маъмурий ҳудудларда жойлашган 842 та маҳаллада тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилиб, аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилгани, ҳайвонлар кўрикдан ўтказилгани, бу муҳим ишга 10123 нафар тиббиёт ходими, 3500 нафар ветеринария хизматчиси, 450 нафар профилактика инспектори ва маҳалла посбони жалб этилганига эътибор қаратилди.

Мулоқот давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Рисолат МАДИЕВА.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Экспорт салмоғи ортмоқда

**Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда**

Хусусан, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ушбу йўналишда фаол иш олиб бораяпти. Чунончи, 2015 йилнинг 9 ойида жамғарма 1782 та тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий ёрдам кўрсатди. Амалга оширилган ишлар натижасида 523 нафар тадбиркор жами 1 млрд. 962 миллион долларга яқин экспорт шартномасини имзолаб, умумий қиймати 981,9 млн. долларга тенг маҳсулотни хорижга чиқарди. Ўтган йилнинг мос даврига солиштирилганда, жамғарма хизматларидан фойдаланувчи корхоналар 1100 тага ортди. Натижада амалга оширилган экспорт ҳажми 45 фоизга ўсди.

Ҳисобот даврида 165 та кичик бизнес субъектига халқаро кўргазма ва анжуманларда иштирок этишга ёрдамлашилди. Хорижий ҳамкорлар республикамизга таклиф этилиши натижасида 300 дан ортиқ тадбиркор юртдошларимиз Россия, Латвия, Литва, Япония ва бошқа давлатлар ишбилармон доиралари вакиллари билан музокаралар ўтказди. Пировардида 463 миллион долларлик келишувлар имзоланиб, қарийб 56 миллион долларлик экспорт амалга оширилди.

Жамғарманинг Наманган филиали фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ. Мутасаддилар маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга жўнатиш, тижорат таклифларини чет эллик ҳамкорларга етказиш орқали харидорларни излаш, экспорт қилувчиларни эҳтимолли хавф-хатардан ҳимоя қилиш, бошқа мамлакатлар қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензия ва сертификатлар олишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатаяптилар.



Амалдаги йилнинг уч чораги мобайнида филиал томонидан 110 тадбиркорга ташқи бозорларни ўрганиш, жумладан, 7 нафарига хориждан ишончли ҳамкор топиш, 18 нафарига хорижий давлатлар қонунчилигидан келиб чиқиб талаб қилинадиган рухсат берувчи ҳужжатлар, сертификат ва лицензиялар олиш ҳамда божхона расмийлаштирувида, 9 нафарига экспорт шартномаларни тузиш ва рўйхатга қўйишда кўмаклашилди. Бунинг шарофати билан 27,1 миллион долларлик маҳсулот Хитой, Россия, Қозоғистон сингари давлатларга экспорт қилинди.

Яқинда Хитойнинг Урумчи шаҳрида ўтказилган озиқ-овқат маҳсулотларининг Иккинчи халқаро кўргазмасида юртимизнинг 48 та корхонаси ичида наманганлик тадбиркорлар ҳам филиал ёрдамида иштирок этишди.

— Кўргазма қатнашчилари томонидан мамлакатимизда етиштирилган асалга қизиқиш билдирилиб, хорижий харидорлар билан 500 минг долларлик экспорт шартномаси тузишга эришдик, — дейди «Соф асал» МЧЖ раҳбари А.Халилов. — Вилоятимиз ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хорижда ўз харидорини топаётгани қувонарли, албатта.

Шунингдек, филиал томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбиркорлар экспортига кўмаклашиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида жойларда доимий равишда давра суҳбатлари ўтказилиб, тегишли маълумот ва тушунтиришлар бериб келинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, жамғарма томонидан амалга оширилаётган амалий ишлардан наманганлик тадбиркорлар мамнун. Бу эса ҳудудда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## БУГУНГИ САРМОЯЛАР ЭРТАНГИ ЮТУҚЛАР АСОСИДИР

**Истиқлол йилларида мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида аҳоли ишончини қозонадиган ва тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган, уларга кенг қамровли молиявий хизматларни кўрсата оладиган универсал тижорат банклари тизими тўлиқ шаклланди. Натижада бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларининг ишончли ҳамкорига айланди**

**Фахриддин НУРАЛИЕВ,**
«XXI asr»

Ушбу натижалар мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитининг яхшиланганлиги ҳамда банклар томонидан мижозларга ажратилаётган кредитлар ҳажми ўсаётганидан далолат беради.



Бу борада барқарор ва ишончли фаолият юритиб келаётган Ўзсаноатқурилишбанк иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Бахтиёр Рахматов,**
**«Texnolog Progress Garant» МЧЖ раҳбари:**

— Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ишларига катта эътибор берилмоқда. Ҳозир амалда бўлган тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантиришга қаратилган қонун, фармон ва қарорлар бунинг ёрқин ифодасидир. Ўзсаноатқурилишбанк бизга ўхшаган тадбиркорларга ўз фаолиятларини янада ривожлантиришлари учун имтиёзли шартларда кредитлар ажратишни кенг йўлга қўйган. МДФ эшиклар ишлаб чиқариш мақсадида Хитойдан асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун Хитой Давлат Тараққиёт Банки кредит линияси ҳисобидан мазкур банкнинг Тўқимачилик филиалидан 143 252 АҚШ доллари миқдорида 5 йил имтиёзли фоиз ставкаси билан кредит олдим. Натижада корхонамда иш унуми ошиб, кўплаб қўшимча иш ўринлари яратилди.

**Одилжон Хамидов,**
**«Odiljon Sifat Servis» МЧЖ раҳбари:**

— Бугунги кунда банклар тадбиркорлар билан нафақат мижоз сифатида, балки яқин ҳамкор, ҳаммаслак ва мададкор сифатида мустаҳкам алоқа боғламоқда. Ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган ишбилармонларга биринчи навбатда банклар ёрдам қўлини чўзмоқда.

Ўз фаолиятим мисолида айтадиган бўлсам, юртимиз мустақилликка эришгандан кейин мен ҳам тадбиркор бўлай деб, яхши ниятлар билан қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга киришдим. Шу мақсадда вилоятимизда энг кўзга кўринган, нуфузли банклардан бири бўлган – Ўзсаноатқурилишбанкнинг Амир Темур филиалига мурожаат қилдим. Банк маъмурияти тез фурсатда зарур бўлган кредит маблағини ажратиб берди. Бунинг натижасида юқори сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ва янги иш ўринлари барпо этишга эришдик.

Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтиришни ният қилиб турибмиз. Албатта, бу борада мазкур банк бизнинг яқин ва ишончли ҳамкоримиз, доимий мададкоримиз бўлиб қолади.

**Хайрулло Султонов,**
**«Qo'shtepa adraslari» оилавий корхонаси раҳбари:**

— Корхонамиз замонавий тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни тайёрлашимизда Ўзсаноатқурилишбанкнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Ушбу соҳада иш бошлаб, уни ривожлантириш учун тажрибамиз етарли бўлгани билан олдимизга қўйган режаларимизни амалга ошириш учун сармоя етарли эмас эди. Корхонамизга замонавий ускуналар олиш мақсадида молиявий кўмак учун банкнинг Қиргули филиалига мурожаат этдик. Банк ходимлари бизнинг бизнес режамизни қисқа муддатларда кўриб чиқиб, ўзларининг малакали маслаҳатларини бериб, кредит битимини туздилар. Ўзсаноатқурилишбанкнинг молиявий кўмаги ҳисобига замонавий ускуналар олдик ва ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар кенгайтирдик. Ҳозирги кунда жаҳон стандартлари талабига мос келадиган тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиб беряпмиз. Молиявий кўмак ҳисобига кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Яратилган иш ўринларига асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишга қабул қилинди.

Эътибор ва кўмак тараққиёт сари етаклайди. Шу маънода банк жамоасининг молиявий хизматидан, мижозларга самимий муносабати ҳамда беғараз маслаҳатларидан миннатдормиз. Бундан кейин ҳам ушбу молия муассасаси билан яқин ҳамкорлик қилиб, янги-янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидамиз.

**Исломбек Алибеков,**
**«Омад-111» кичик корхонаси раҳбари:**

— Корхонамиз билан банк ҳамкорлиги ушбу ютуқларга эришишимизда катта кўмак бўлди. Жорий йилда Ўзсаноатқурилишбанк Андижон минтақавий филиали томонидан макарон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида асбоб-ускуна харид қилиш учун кредит маблағлари ажратилди. Корхонамизга банк томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига ишлаб чиқаришда зарур бўлган қурилмалар сотиб олинди.

Ҳозирда корхонамиз йилига 1,620 тоннадан зиёд беш турдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу, ўз навбатида, қўшимча 9 та янги иш ўрни яратишга имкон берди. Корхонамиз муваффақиятлари нафақат меҳнатимиз, балки ҳукуматимиз томонидан яратилаётган имкониятлар ҳамда берилган имтиёзлар самараси ҳамдир.

Режаларимиз катта: банкнинг имтиёзли кредит линияларидан фойдаланган ҳолда янги чет эл технологиясини жалб қилиш орқали маҳсулот сифатини яхшилаш ва турини кўпайтириш, шу орқали аҳолининг сифатли макарон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзсаноатқурилишбанк турмуш фаровонлигини янада ошириш, соғлом авлодни шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда ҳамда 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йилида ўзининг самарали фаолиятини давом эттиради.

*Хизматлар лицензияланган.*

# Фонд мутасаддиларининг ҳисоботи тингланди

**Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди**



Унда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг 2014 ва 2015 йилнинг 9 ойи учун давлат субсидияси ва ижтимоий буюртма доирасидаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

Мажлисда қайд этилганидек, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришда алоҳида ўринга эга. Фонд томонидан мустақил босма ОАВ, ахборот агентликлари ва интернет-нашрлар фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, кучли фуқаролик жамиятини қуришда ОАВ роли ва аҳамиятини кучайтириш жараёнларини кенг ёритишга қаратилган аниқ ишлар амалга оширилди. Шунингдек, жамият учун алоҳида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ижодий лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишда босма ОАВ ва ахборот агентликларига молиявий, маслаҳат, ташкилий, техник, ҳуқуқий ва бошқа кўринишдаги ёрдам кўрсатилди.

Хусусан, 2014 ва 2015 йилнинг 9 ойи давомида ОАВ журналистлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари раҳбарлари учун 226 та семинар-тренинг, давра суҳбати, учрашув ва танловлар ўтказилди. Уларда 6,8 мингдан ортиқ киши иштирок этди. Республиканинг барча ҳудудларида ўтказилган «Соғлом бола йили» ва «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурларини амалга оширишда ОАВ ролини оширишга қаратилган 149 та тадбирда 3547 нафар ОАВ, ННТ ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг вакиллари қатнашди.

Мамлакатда мустақил, замонавий демократик талаблар ва стандартларга жавоб берадиган босма ва интернет нашрларни шакллантириш жараёнини рағбатлантириш, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга кўмаклашиш бўйича ишлар давом эттирилди. Хусусан, мазкур йўналишда марказий ва ҳудудий ОАВда ишлайдиган журналист кадрларнинг малакасини ошириш бўйича ўтказилган 37 та тадбирда 2353 та журналист иштирок этди.

Журналистларнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик масалаларда ихтисослик даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2014 йил ва 2015 йилнинг 9 ойи мобайнида 900 дан ортиқ махсус танлаб олинган журналист жамоат-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва экологик мавзуларни ёритиш бўйича кўникмаларини такомиллаштирдилар. Улар учун қарийб 40 та семинар-тренинг ва давра суҳбати ташкил этилди.

Мамлакатда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва халқаро хусусиятга эга воқеалар ҳақида холисона ва сифатли маълумот билан интернет тармоғини тўлдиришда кўмаклашиш учун ҳисобот даврида рус, ўзбек, инглиз тилларида 12 мингдан ортиқ янгилик ва ахборот-таҳлилий материал тайёрланиб, глобал интернет тармоғига жойлаштирилди.

Босма ОАВ Фондининг тадбирларида иштирок этган журналистлар томонидан 4,5 мингдан ортиқ янгилик ва ахборот-таҳлилий материал тайёрланди. Шунингдек, 4 та мавзуга доир илмий-амалий материал, маърузалар ва нутқлар тўплами ишлаб чиқилиб, чоп этилди.

Парламент комиссияси мажлис якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилди.

*Солижон ЗОИРОВ олган суратлар.*



**Қашқадарё вилоятида O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари фаолияти изчил йўлга қўйилган. Жумладан, амалдаги қонунлар, Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Давлат дастурлари ижроси устидан доимий равишда депутатлик назорати олиб борилмоқда. Шу асосда мансабдор шахсларнинг ахборотлари эшитилиб, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилаяпти.**

# ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДА

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

Масалан, яқинда халқ депутатлари Ғузор туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш йўлидаги тўсиқ-чекловларни бартараф этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш, оилавий тадбиркорлик учун банк кредитлари ажратишни тубдан яхшилаш» масалалари юзасидан мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари тингланди.

— Тадбиркорларга қулайлик яратиш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари Хуршид Жўраев. — Жорий йилда озиқ-овқат йўналиши бўйича умумий қиймати 15058 млн. сўмлик 135 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Шундан 5914 млн. сўми ташаббускорларнинг ўз маблағлари бўлса, 9144 млн. сўми банк кредитлари ҳисобидан қопланади. Натижада 396 та янги иш ўрни яратилади.

Ҳозирда ушбу лойиҳалардан 112 таси амалиётга татбиқ этилмоқда. 76 лойиҳа учун туман ҳокимлиги томонидан тегишли ер майдони ажратилди. Бундан ташқари, бўш турган бино ва иншоотлар тадбиркорларга «ноль» қийматида берилгандан сўнг 15 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ эвазига 15 та тикув машинаси харид қилинди ва тикувчилик корхонасига асос солинди. Энг муҳими, 50 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Жорий йилда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан 858 нафар киши рўйхатга олинган эди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли уларнинг 784 нафари иқтисодиётнинг турли соҳаларига ишга жойлаштирилди. Шу билан бирга 13 нафар фуқаро «Уста-шогирд» анъанаси асосида касб-ҳунар ўрганиш, 29 нафари эса жамоат ишларига жалб этилди.

Мазкур марказ директори Соли Олтибоевнинг таъкидлашича, жорий йилда туман ҳокимлиги, прокуратураси, тегишли корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллий аҳоли, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун олти марта «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ташкил этилган. Уларда 221 та ташкилот 1278 та бўш иш ўрни билан қатнашган. Натижада 212 нафар кишининг бандлиги таъминланган.

— Ҳисобот йиғилишида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари орасида тадбиркорликни ихтиёр этган ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди, — дейди халқ депутатлари туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Бекзод Абдураззоқов. — Депутатлар томонидан уларнинг рўйхати шакллантирилиб, назорат-таҳлил тадбирлари олиб борилмоқда. Уларга имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашиш муҳим вазифаларимиздан бири саналади.

Шунингдек, тадбирда АТ «Агробанк» Ғузор туман филиали бошқарувчиси ўринбосари Мейли Холиқовнинг ҳам ҳисоботи эшитилди. Жорий йилда мазкур молия муассасаси томонидан 42 та лойиҳа учун 1660 млн. сўм кредит ажратиш, 200 га яқин қўшимча иш ўрни яратиш режалаштирилган. Ҳозирга қадар 30 га яқин лойиҳа амалга оширилган ва 150 нафарга яқин ёшнинг бандлиги таъминланган. Уларнинг кўпчилиги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Йиғилишда O`zLiDeP вилоят кенгаши Сиёсий таълим маркази раҳбари Дилором Азизова сўзга чиқиб, туманда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, лалмикор майдонларда деҳқон хўжаликлари ташкил этиш, оилавий тадбиркорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Шунингдек, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш дастурлари ижроси юзасидан депутатлик назоратини кучайтириш, партия электорати фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

Йиғилиш якунида муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан депутатлик гуруҳининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

# Депутатлик имтиёз эмас — масъулият

**Элёр ТЎРАҚУЛОВ,**
халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси

Бугунги кунда халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашларидаги депутатларимиз O`zLiDeP Сайловолди платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида жойларда электорат вакиллари билан юзма-юз мулоқотлар ўтказиб, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ифодалаш, муаммоларга амалий ечим излаш каби долзарб масалаларни атрофлича муҳокама қилиб, тегишли таклиф ва ташаббуслар билан чиқмоқдалар.

Сайловчилар билан учрашув ва бошқа турли тадбирларда партия томонидан илгари сурилаётган ғоя ва мақсадларни тарғиб қилиш, депутатлик сўровлари ва уларнинг назорати, электоратдан тушган ариза ва шикоятларни ўрганиш, қишлоқ ва шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича мониторинг олиб борилаётгани ҳам эътиборга молик.

O`zLiDePдан сайланган депутатларнинг қатор идораларга депутатлик сўрови билан мурожаат этишларига асос бўлган масалалар ҳам айнан ана шундай тизимли ўрганиш ва таҳлиллар натижасидир. Бунинг яққол исботини жойларда кўплаб янги корхоналар, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилаётганлигида кўриш мумкин.

Жиззах вилояти махсус индустриал зона мақомига эга бўлгач, ҳудудда замонавий корхоналарни ишга тушириш, улкан қурилиш ва ободонлаштириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, фаровонлигини ошириш бўйича кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширила бошланди. Бу жараёнга партиямиз асосий электорати ҳисобланмиш хусусий сектор вакиллари ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани диққатга сазовор. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш эса халқ депутатлари вилоят кенгашидаги 57 та депутатлик ўрнидан 25 тасини эгаллаб турган O`zLiDeP вакилларига ҳам катта масъулият юклайди. Шу боис вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, кичик бизнес субъектлари, фермерлик ҳаракатининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада кўпайтиришга оид амалий таклифларни илгари суриш, улар ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатишга ҳаракат қилаяпмиз.

Кези келганда, шу юрт фуқароси ва депутат сифатида мени қувонтирган ҳолатлардан бири – жойларда ташкил этилаётган учрашувларда мустақиллик йилларида ўсиб-улғайиб, яратилган шароитлардан унумли фойдаланаётган, улуғвор мақсадларга йўғрилган ҳаёт йўлини танлаб олган, бир-иккита хорижий тилларда мулоқот қила оладиган, ўз дунёқарашига эга ёшларнинг фаол иштирок этаётганидан жуда мамнунлигимни алоҳида таъкидламоқчиман. Бу эса Юртбошимиз томонидан илгари сурилаётган ва амалга оширилаётган, O`zLiDeP дастурий ғояларига ҳамоҳанг ислоҳотларнинг навқирон авлод томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганидан далолатдир. Уларнинг ишбилармонлик кўникмаларини мунтазам чуқурлаштириб, рағбатлантириб бориш, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашиш, ташаббус ва таклифларини эътибордан четда қолдирмаслик, иқтидорли ёшларни партия сафига кенг жалб қилиш ҳам депутатларимиз фаолиятида муҳим ўрин эгаллаши лозим, деб ҳисоблайман. Чунки ҳозирги янгиланишларни ёшларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Фарғона ва Наманган вилоятларига ташрифи чоғида бир гуруҳ тадбиркор ва ишбилармонлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари билан учрашувларда ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари томонидан аҳолининг мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун 2025 йилгача ҳосилдорликни 47 фоиз, экин майдонларини 20 фоизга ошириш, нафақат ички бозор эҳтиёжини қоплаш, балки озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини таъминлашдек улкан вазифа қўйилди. Бунинг учун ички ва ташқи бозорлардаги талаб ва афзалликларга оид тахминий баҳолашдан келиб чиқиб, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш лозим бўлади. Бундай устувор вазифаларни амалга оширишда бутун мамлакатимизда бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти. Бунда O`zLiDeP депутатлари ва партия фаоллари ҳам бевосита иштирок этаётгани эътиборга лойиқдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кун депутати, у қайси соҳада фаолият юритмасин, сайловчилар томонидан билдирилган ишончни оқлаши, зиммасига олган масъулият салмоғини юракдан ҳис қилиб, элим деб, юртим деб, ёниб яшамоғи лозим. Зеро, депутатлик мансаб ҳам, имтиёз ҳам эмас. Аксинча, катта масъулиятдир.

**Мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ижтимоий-сиёсий соҳадаги устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Бу жараёнда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида фаолият юритаётган депутатлардан алоҳида масъулият талаб қилинади. Зеро, амалдаги қонун ва қарорлар ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтирмасдан кўзланган мақсадларга тўла эришиб бўлмаслиги ўз-ўзидан маълум.**

# «БИЛИМ ВА МАЛАКА КАМЛИГИ СЕЗИЛИБ ҚОЛМОҚДА»

**Абдусамад ТУРҒУНБОЕВ,**
O`zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши Мафкуравий ташвиқот-тарғибот ишлари бўлими мудири

Халқ депутатлари Фарғона вилояти маҳаллий кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари фаолиятига ана шу нуқтаи назардан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Зотан, ҳududдаги вакиллик органларида оз эмас, кўп эмас 242 нафар депутатимиз бор.

Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловдан кейинги муддат, фикримизча, янги сайланган депутатлар ва депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлиги хусусида сўз юритиш учун етарлидир. Шу вақт мобайнида депутатлик гуруҳларини шакллантириш, ҳар бир депутатнинг партия ва сайловчилар олдидаги масъулиятини ошириш диққат марказида бўлди.

Таъкидлаш жоизки, депутатлик гуруҳлари аъзолари турли касб эгаларидан иборат. Улар билан олиб борилаётган машғулотлар давомида асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимиз асарлари, маъруза ва нутқлари, Давлат дастурлари, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорларини чуқур ўрганиш ва жойларда кенг тарғиб қилишга қаратилмоқда. Шу мақсадда Сиёсий таълим маркази ва мафкура бўлими томонидан тизимли равишда ўқув-семинарлар ташкил этилаяпти. Улар эса бугун ўзининг кутилган самараларини бермоқда.

Партия электорати манфаати билан боғлиқ долзарб масалалар гуруҳлар йиғилишларида муҳокама қилиниб, маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига киритилаётир. Шулар орасида, шубҳасиз, мулкдорлар қатламининг манфаатларини ҳимоялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш дастлабки ўринда туради.

Жорий йилда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан халқ депутатлари вилоят ва туман (шаҳар) кенгашларига партиядан сайланган депутатларни ҳудудлар ва бошланғич ташкилотларга бириктириш бўйича махсус йўриқнома қабул қилинган эди. Ушбу йўриқнома эндиликда депутатлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг сиёсий ташкилотчилигини кучайтириш, партиянинг ҳудудий кенгашлари билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Масалан, халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан биринчи ярим йилликда 12 та учрашув ўтказилиб, 9 та қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси депутатлик назорати тартибида ўрганилди. 53 нафар фуқаронинг мурожаати асосида 40 та депутатлик сўрови юборилди.

Депутатлик гуруҳи ҳамда O`zLiDeP вилоят кенгаши ҳамкорлигида 4 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилиб, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва қонуности ҳужжатлари ижроси юзасидан Фарғона, Қўқон, Марғилон ҳамда Қувасой шаҳарларида амалга оширилаётган ишлар атрофлича ўрганилди. Аниқланган камчиликлар бўйича тегишли муассасаларга тавсиялар берилди.

Ўтган давр мобайнида халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари томонидан жойларда 141 та учрашув ташкил этилгани, қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан 93 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Қўйилган вазифалар талабларидан келиб чиқиб, маҳаллий кенгашлардаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳларининг назорат функциясини кенгайтиришда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналар ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш масалаларига жиддий аҳамият қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида вилоят ҳудудида зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор, паст рентабелли давлат корхоналарини қайта тиклаш ва улар негизида янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мажбурияти билан хорижий инвесторларга «ноль» қийматида сотиш билан боғлиқ масалалар ижроси ҳам депутатларимиз назоратига олинган.

Депутатлик гуруҳлари аъзолари саъй-ҳаракати билан чет элга ишлаш ҳамда бошқа мақсадларда чиқиб кетаётган фуқаролар ўртасида тушунтириш олиб бориш, ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш, O`zLiDeP электорати бўлмиш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан кўплаб семинар-тренинглар, йиғилишлар ўтказилмоқда. Бу борада мунтазам мониторинг олиб борилаётганлиги диққатга моликдир. Депутатлик фаолиятига оид услубий қўлланмаларни кўпайтириш, вилоят ва туман кенгаши депутатлари учун ўқувлар ташкил этиш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида доимий машғулотлар ўтказиш, Фарғона вилоятидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг туман ва шаҳар кенгашлари билан алоқаларини кенгайтириш ҳам айни кундаги муҳим вазифалар сирасига киради.

Юқорида таъкидланганидек, вилоятда депутатлик гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан муайян натижаларга эришилмоқда. Лекин ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам оз эмас. Зеро, халқ депутатлари вилоят кенгашининг қарийб ярмини айнан O`zLiDeP вакиллари ташкил этади. Уларнинг аксарияти катта салоҳият ва етарли тажрибага эга бўлган кишилардир. Эндиликда эскича фикрлаб ва эскича яшаб бўлмайди. Таассуфки, айрим депутатларнинг ўз бурчига нисбатан масъулиятсизлиги, ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги, индивидуал фаоллик ва жонкуярликнинг етишмаслиги, билим ва малакасининг камлиги иш жараёнида яққол сезилиб қолмоқда. Бу — бир.

Иккинчидан, сиёсий партиялар ва депутатлик секторлари билан маҳаллий депутатлик гуруҳларининг манфаатли ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарур. Уларнинг ойлик, чораклик ва йиллик иш режаларини ўзаро мувофиқлаштириш, ҳар бир учрашув, сўров ва ижро мониторинги бўйича ҳисоботларини эшитиш талаб этилади. Ана шундагина бугунги туб ўзгариш ва ислоҳотлар шароитида кўзланган мақсдларга тўла эришиш ҳамда жойлардаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳларининг ижтимоий-сиёсий мавқеини янада ошириш мумкин, деб ўйлаймиз.

# СЎНГГИ САҲИФА

## ШОГИРДЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПГАН УСТОЗ

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси дастурида инсон демократик ўзгаришларнинг бош мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги белгилаб қўйилган. Шунинг учун ҳам партиямиз инсоннинг уйғун ривожланиши, унинг манфаатларини рўёбга чиқаришнинг амалий тизимини яратиш, жамиятнинг ўзаги ҳисобланган оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бир қолипдаги эскирган фикрлаш тарзи ва ижтимоий феъл-атворни ўзгартириш тарафдоридир. Ушбу мақсадларга эришишда эса маънавий йўналишдаги ишлар баробарида жисмоний тарбия ва спортнинг тутган ўрни ниҳоятда катта**

**Фахриддин НУРАЛИЕВ,**
«XXI asr»



Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган замонавий спорт иншоотларида минглаб ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланиб, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етмоқда. Уларда халқаро мусобақаларда Ватанимиз шуҳратини юксалтиришга қодир спортчиларни тарбияловчи малакали мураббийлар фаолият кўрсатишаётир.

Пойтахтимиздаги 25-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг таэквондо (WTF) бўйича мураббийи Фахриддин Умаров ана шундай етук мутахассис ва моҳир педагоглардан биридир. У тарбиялаган спортчилар бугун Ўзбекистон терма жамоалари сафида дунёнинг қатор давлатларида ўтаётган нуфузли мусобақаларда юксак натижаларга эришмоқда.

Болаларда спортга қизиқиш уйғотиш учун аввало мураббийнинг ўзида спортга муҳаббат бўлиши керак. Фахриддин Умаров касбига меҳр қўйган, мураббийликни ҳаётининг мазмуни, деб биладиган ана шундай педагоглар тоифасидан.

— Болалигимизда жисмоний тарбия ва спорт таълим жараёнининг иккинчи даражали йўналишларидан ҳисобланарди, — дейди мураббий. — Бугунгидек рағбат, қўллаб-қувватлаш ҳақида-ку гап бўлиши мумкин эмасди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳаммаси ўзгарди. Болалар спортини ривожлантириш, ёш авлодни соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етказишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Нафақат шаҳарлар, балки энг чекка қишлоқ жойларда ҳам замонавий ва муҳташам спорт мажмуалари қурилаётгани болаларнинг ўзлари истаган спорт тури билан мунтазам шуғулланиши учун кенг шароит яратиб берди.

Бугун тажрибали мураббийнинг кўплаб шогирдлари миллий, ёшлар ва ўсмирлар терма жамоалари сафида турли нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшмоқда. Таэквондо бўйича жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин, халқаро турнирлар, мамлакат чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари Виктория Ким, Мафтуна Тоштемирова, Муҳаррам Каримова, Никита Ким, Олимжон Аутов, Сарвиноз Шарипова каби таниқли спортчилар шулар жумласидандир.

— Фахриддин ака ўта талабчан ва меҳрибон мураббий, тартиб-интизом, одоб-ахлоққа жиддий эътибор беради, — дейди жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин. — Машғулотлар чоғида ҳар бир ҳатти-ҳаракатимизни кузатиб, янада яхши натижаларга эришишга руҳлантириб боради. Устозимнинг «шундай беллашгинки, ўзингни ҳам, рақибингни ҳам жароҳат олишига йўл қўйма», деган гаплари менинг шиоримга айланган. Мақсадим – келажакда устоз каби моҳир мураббий бўлиш.

Қарийб қирқ йилдан бери спорт «қозонида қайнаётган» тажрибали мураббий бугун шогирдларининг ютуғи билан фахрланиб, янги-янги истеъдодларни кашф этиш йўлида тинмай изланмоқда. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан Президентимиз фармонига биноан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан тақдирлангани спорт мактабида ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

## БОЖХОНА БЕКАТИ

### Ноқонуний ҳолатларга чек қўйилди

Мамлакатимизда қонун устуворлиги таъминланган. Бош қомусимизда қайд этилганидек, ҳар бир фуқаро ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқига эгадир. Лекин бу ҳеч кимга ўз билганича иш тутиш имконини бермайди. Хусусан, фуқароларга диний таъсир ўтказиш, уларни бир диндан чиқиб, бошқасига киришга ундаш, шу мақсадда турли диний мазмундаги адабиётларни тарқатиш ва бошқа хатти-ҳаракатларни амалга ошириш амалдаги қонунларга зиддир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини мувофиқлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, диний қарама-қаршиликни тарғиб қилувчи адабиётларни мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш тақиқланган.

Шунга қарамасдан, айрим шахслар амалдаги қонунларни четлаб ўтиб, ўз ғаразли мақсадларини амалга оширишга уринишаётгани сир эмас. Кейинги пайтда пойтахтимиз божхоначилари томонидан аниқланаётган ҳолатлар ҳам шундан далолат беради. Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари саъй-ҳаракати билан турли хил диний мазмундаги материалларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Жумладан, бошқарманинг «Бошпочтамп» божхона постида фуқаро Н.Мардонов (мақоладаги исм-шарифлар ўзгартирилган) номига хориждан юборилган почта жўнатмаси амалдаги тартибларга кўра божхона назоратидан ўтказилганда буюмлар орасида 27 дона диний мазмундаги китоб борлиги аниқланди.

Шунга ўхшаш ҳолат фуқаро Н.Узоқова билан ҳам кузатилди. Унинг номига хориждан келган буюмлар орасида «Откровения Бога людям» деб аталган диний миссионерлик мазмунидаги 6 дона адабиёт борлиги маълум бўлди.

«Келес» темир йўл божхона пости ходимлари томонидан «Москва-Тошкент» йўналиши бўйича қатновчи поезд йўловчиси Б.Турғуновнинг қўл юклари назоратдан ўтказилганда, уяли алоқа воситаси ҳамда қўшимча флешкарта хотирасида турли диний экстремистик ва террорчилик ҳаракатларини тарғиб қилувчи маърузалар, суратлар ва видеороликлар борлиги аён бўлди.

«Челябинск-Тошкент» поезди йўловчилари А.Махмудов ҳамда Б.Махсумовнинг қўл юклари назорат текширувидан ўтказилганда эса уларга тегишли уяли алоқа воситаларининг хотирасида жами 476 дона диний мазмундаги турли аудио ва 21 дона видео материал борлиги аниқланди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари олиб борилмоқда.

**Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати.**

РЕКЛАМА

## ТАДБИРКОРГА МАДАДКОРМИЗ!

**«Чирчиқ синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар, йирик маҳаллий ва қўшма корхоналар, шунингдек, фермер хўжаликларига дунё стандарти талаблари даражасидаги рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ёрдам беради.**

Муҳтарам тадбиркорлар!

Сиз корхонангиз, хўжалигингизда ишлаб чиқарилаётган ёки хориждан келтираётган маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олишингиз, маҳсулотингизни ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлиши учун халқаро ISO: 9001 — «Сифатни бошқариш тизими»ни жорий этишингизда марказимиз мутахассислари, эксперт-аудиторлари ёрдамга тайёрлар.

Бундан ташқари корхонангиз ёки хонадонингиздаги ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш учун ҳам марказимиз мутахассисларига мурожаат қилсангиз, улар сизнинг мушкулингизни енгил қилишади.

Азиз ишбилармонлар, қадрли истеъмолчилар!

«Чирчиқ синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг (0 370) 715-35-81 рақамли «Ишонч телефони» ёки chirchiqssm.uz веб-сайти орқали бизга мурожаат қилсангиз, соҳа юзасидан Сизни қизиқтирган барча саволларга марказимиз мутахассислари жавоб беришади. Чунки биз Сизнинг хизматингиздамиз!

Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Менделеев кўчаси, 5-а уй.
Теле/факс: (0 370) 716-58-11.
e-mail: chirchiqssm@rssm.uz

**«Чирчиқ синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси.**

*Хизматлар лицензияланган.*

## AVTOSALON
## «SARDOR AVTO INVEST»










ТЎЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 113-уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Телефонлар: (+998 71) 215-09-11, 250-23-93, (+998 91) 162-99-99, (+998 95) 177-01-17, (+998 71) 140-41-21, (+998 95) 199-82-92, (+998 91) 191-19-49, (+998 90) 932-33-38

www.sardor-avto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

## СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ!

**«Олмалиқ синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси кичик ва хусусий бизнес вакиллари, оилавий тадбиркорлик субъектлари, Ангрен махсус индустриал иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар, вилоятдаги кўп тармоқли фермер хўжаликларига сифатли, истеъмолчиларга манзур бўладиган, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришларида ёрдам беради.**

Муҳтарам тадбиркорлар!

Корхонангизда ишлаб чиқараётган ёки импорт маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олишингизда ва тайёрланаётган маҳсулотингиз ички ҳамда ташқи бозорда ўз харидорини топиши учун халқаро ISO: 9001 — «Сифатни бошқариш тизими»ни жорий этишингиз айни муддаодир. Бунда марказимиз мутахассислари, эксперт-аудиторлари Сизга зарур маслаҳатлари ва ёрдамларини аямайдилар.

Шунингдек, корхонангиз ёки хонадонингизда мавжуд ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказишингизда ҳам марказимиз мутахассисларига бевосита мурожаат қилишингиз мумкин.

Азиз тадбиркорлар, қадрли истеъмолчилар!

«Олмалиқ синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг (0 370) 613-69-65 рақамли «Ишонч телефони» ёки olmaliq_info@inbox.uz веб-сайтига мурожаат қилсангиз, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Сизни қизиқтирган барча саволларга марказимизнинг малакали мутахассислари жавоб беришади. Чунки биз доимо Сизнинг хизматингиздамиз!

Манзил: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Тинчлик кўчаси, 2-уй.
Телефон: (0 370) 613-69-65, факс: 613-82-62.
e-mail: olmaliqssm@rssm.uz; olmaliqssmdk@exat.uz

**«Олмалиқ синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси.**

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

## «Асака» банк

**«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси), «Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия)** кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилаётганлигини маълум қилади.

Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:

| | |
|---|---|
| **Лойиҳалар** | Саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, кенгайтириш ёки амалдаги ишлаб чиқаришларни реконструкция қилиш. |
| **Қарздор** | ***«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича:***<br>— Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар;<br>— ўз маҳсулотлари ёки хизматларини Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларга сотувчи ёки Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларнинг маҳсулотлари ва хизматларини сотиб олувчи компаниялар.<br>***«Commerzbank AG» (Германия)*** ва ***«Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:***<br>— Ўзбекистон Республикаси резидентлари – хусусий кичик корхона, қўшма корхона, акциядорлик жамиятлари. |
| **Кредит мақсади** | ***«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича:***<br>Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар учун:<br>— асбоб-ускуналар сотиб олиш ва ўрнатиш;<br>— стратегик инвестициялар.<br><br>Корея Республикаси капитали иштирок этмаган компаниялар учун:<br>— Корея Республикаси капитали иштирокидаги компанияларга асбоб-ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш;<br>— Корея Республикаси капитали иштирокидаги компаниялардан асбоб-ускуналар ва хизматларни сотиб олиш.<br>***«Commerzbank AG» (Германия)*** ва ***«Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:***<br>— импорт асбоб-ускуналар ва технологияларни сотиб олишни молиялаштириш ҳамда ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш. |

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:**
**(+99871) 120-81-77, 120-82-98, 120-82-66, 120-82-29.**

**«Асака» банк –**
**тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!**

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** XXI_ASR@umail.uz

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 4271 Тираж: 9415

Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди — 20:00

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**

**©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.**

**Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.**

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Б.ИСРОИЛОВ, С.ЗОИРОВ.